

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқукида

МУРОДОВ АКРАМ НОРАЛИЕВИЧ

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА МОЛИЯВИЙ
НАТИЖАЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ ВА УНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мутахассислик: 5А340901 – «Бухгалтерия ҳисоби»

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: _____ и.ф.н., доц. Н.Ишонқулов
(имзо)

Магистратура директори: _____ и.ф.н., доц. У. Ортиқов
(имзо)

ТОШКЕНТ -2016

Мундарижа

Кириш	3
I-БОБ. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларида молиявий натижалар таҳлилининг назарий асослари....	7
1.1 Фермер хўжаликлар фаолиятини таҳлил қилишнинг услубий асослари	7
1.2. Фермер хўжаликларда молиявий натижалар кўрсаткичларининг мазмуни ва моҳияти	16
II-БОБ. Фермер хўжаликларнинг молиявий мустаҳкамлиги ва баланс ликвидлиги таҳлили	25
2.1 Корхоналарнинг молиявий мустаҳкамлигини таҳлили	25
2.2 Корхона балансининг ликвидлиги таҳлили	38
2.3 Айланма маблағларнинг айланиши ва корхоналарнинг молиявий ҳолати	47
III-БОБ. Иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида фермер хўжаликларида молиявий натижалар таҳлилни такомиллаштириш масалалари	57
3.1. Иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида фермер хўжаликларида маҳсулот таннархи таҳлили	57
3.2. Фермер хўжалигининг молиявий натижалари таҳлили	62
3.3. Фермер хўжалигининг якуний фаолият турлари бўйича таҳлили..	67
Хулосалар	77
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш борасида стратегик муҳим роль ўйнайдиган лойиҳаларни амалга ошириш, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришда яъни, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш жараёнида туб ўзгаришлар бўлди ва бугунги кунда бу соҳада инфратузилма амалда янгитдан барпо этилди, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва рағбатлантириш, соҳани бошқариш тамойиллари ва тизими сифат жиҳатдан мутлақо янгича тамойиллар асосида йўлга қўйилди. Бироқ, бугунги кунда глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг мамлакатимизга ҳам жиддий таъсир кўрсатаётганлиги бугунги куннинг энг долзарб муаммосига айланиб қолмоқда.

Бу борада Президент И.А.Каримов ўз китобида “...жаҳон бозорида талабнинг пасайиб бориши оқибатида Ўзбекистон экспорт қиладиган қимматбаҳо ва рангли металллар, пахта, уран, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларнинг нархи гушиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар ва инвесторларнинг экспортдан оладиган тушумлари камайишига олиб келади. Уларнинг фойда кўришига ва ишлаб чиқариш рентабеллигига, охир-оқибатда эса макроиқтисодий кўрсаткичларимизнинг ўсиш суръатлари ва иқтисодиётимизнинг бошқа томонларига салбий таъсир этади. Шубҳа йўқ, жаҳон молиявий инқирозининг таъсирини камайтириш ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун бизда барча зарур шарт-шароитлар мавжуд. Авваламбор кейинги давр мобайнида мамлакатимизнинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятининг пухта пойдеворини, молия-банк тизимининг ишончли бошқарув механизмларини ўз вақтида шакллантириб ва мустаҳкамлаб олганимиз бунга кафолат ва асос бўлиб хизмат қилиши муқаррар” деган эди.

Албатта, мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, уни қайта ишлаш ва четга экспорт қилиш бугунги кунда экспортнинг улушида юқори салмоққа эга. Ўзбекистон Республикаси

Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаганларидек: “Қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш, етиштирилган маҳсулотларни сақлаш инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сиғимга эга бўлган 114 та янги совутиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Мамлакатимизда мева-сабзавотларни сақлашнинг умумий қуввати 832 минг тоннага етказилди. Бу эса, йил давомида нархларнинг мавсумий кескин ошиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кенгайтириш, нарх-наво барқарорлигини сақлаш имконини бермоқда.

Буларнинг барчаси фидойи деҳқон ва фермерларимиз, барча қишлоқ хўжалиги ходимларининг машаққатли ва шарафли меҳнати маҳсулидир, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз”. Экспорт мустақиллиги ўз валюта харажатларини ўзи оқлаши, ўз-ўзини молиялаш тамойиллари асосида амалга оширилади. Корхона ва ташкилотлар ўзларининг экспорт операцияларини ўз маблағлари ва қарз олинган валюта маблағлари ҳисобидан амалга ошириши мумкин. Хусусан, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект валюта тушумларини кўпайтиришга катта эътибор беришлари лозим. Бунда фермер хўжаликларни молиявий жиҳатдан барқарор ва уларнинг ривожланишини назорат қилишда бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг мукаммаллашган назарий ҳамда услубий асосларини ишлаб чиқишлари муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятининг фойдалилик даражасини доимо таҳлил қилишга ва амалга оширилаётган жараёнларнинг ҳисобини тўғри ташкил қилишлари зарур. Бундай шароитда, бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилнинг аҳамияти катта бўлиб, улардан янада унумли

фойдаланиш зарурияти ортиб боради. Чунки, айнан шу соҳалар иқтисодиёт субъектларининг юқорида айтиб ўтилган талабларнинг бажарилишида муҳим ўринни эгаллайди.

Халқаро амалиётга назар ташлаганимизда, ҳисобчиликнинг бошқарув ва молиявий ҳисобларга бўлинишига, ўз навбатида, молиявий ҳисобда молиявий натижаларнинг асосий ўринда турганлигига гувоҳ бўламиз. Чунки барча фойдаланувчиларнинг эътиборини ўзига жалб қиладиган маълумот, бу субъектлар фаолиятининг молиявий натижасидир. Ва айнан шу натижанинг шаклланиши ва аудитини жаҳон талабларига жавоб берадиган кўринишга келтириш бўйича юртимизда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳисоб тизимида ушбу жараёнларнинг амалга оширилиши шу соҳа олимлари ўртасида катта мунозаларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Бу каби мунозалар нафақат юртимиз, балки бошқа давлатларнинг ҳам ҳисобчилик тизимида мавжуддир. Шу сабабли, ҳозирги кунда ҳисоб тизимида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, фермер хўжаликлар фаолиятининг молиявий натижалари таҳлилини жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, қўйилган талабларга жавоб берадиган тарзда кўриб чиқишни талаб этади ва ўз навбатида бу битирув малакаий иш мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Диссертациянинг мақсади ва вазифалари. Фермер хўжаликлар фаолиятининг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш, баҳолаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилидаги камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, уни такомиллаштириш бўйича назарий ҳамда амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун, қуйидаги вазифаларни бажариш лозим:

- ✓ Иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида корхоналарда молиявий натижа кўрсаткичларининг мазмуни ва моҳиятини тадқиқ этиш;
- ✓ фермер хўжаликлари фаолиятини таҳлилини ташкил этишда иқтисодий таҳлилнинг шаклланиши, унинг назарий ва услубий асосларини ўрганиш;

✓ фермер хўжаликларини таҳлил қилишда иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усуллардан фойдаланиш ва уларнинг қулай бир-биридан фарқланишини аниқлаш;

✓ бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга яқинлаштириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар натижасига кўра, молиявий натижаларни шакллантиришнинг ҳозирги даврдаги аҳволини таҳлил қилиш;

✓ фермер хўжаликлари фаолиятининг молиявий натижаларига таъсир этувчи бухгалтерия ҳисобининг меъёрий хужжатларидаги фарқланишлар ўрганилиб, уларни корхона учун ижобий таъсир эттириш бўйича амалий таклифлар бериш;

✓ фермер хўжаликларининг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиб, маҳсулот таннархини таҳлил қилишни ўрганиш;

✓ фермер хўжаликлари фаолиятининг молиявий натижалари ва ҳолатини таҳлил қилишни ўрганишдан иборатдир.

Диссертациянинг предмети бўлиб, «ASADBEK IMKON MAKS» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилини ташкил этиш бўйича ташкилий муносабатлар, ҳуқуқий асослар ҳамда иқтисодий жараёнлар доирасига киради.

Диссертациянинг объекти бўлиб, «ASADBEK IMKON MAKS» фермер хўжалигининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот маълумотлари ҳисобланади.

Диссертациянинг таркибий тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I-БОБ. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликлари молиявий натижалари таҳлилини назарий асослари

1.1. Фермер хўжаликлар фаолиятини таҳлил қилишнинг услубий асослари

Корхона фаолиятининг молиявий натижасини таърифловчи синтетик кўрсаткич бўлиб баланс (ялпи) фойда ва зарари ҳисобланади ва Низом¹га асосан тартибга солинади. Ушбу Низомнинг аҳамияти беҳад катта бўлиб у солиққа тортиладиган фойда билан бухгалтерия сметида (баланс фойда) ҳосил бўладиган фойда фарқини аниқлаш имкониятини беради; фойдаланувчилар томонидан қарорлар қабул қилиш учун молиявий ҳисоботнинг аҳамиятини оширади.

Низомга кўра, бир томонидан корхоналарга ҳисобот даври ичида содир бўлган харажатлар ва даромадлар тўғрисидаги аниқ маълумотларни олиш имкониятини берса, иккинчи томондан солиқ қонунларига биноан солиқ органларига ҳисоботларни тузиб топшириш имкониятини яратади. Бунда давлат ўз ваколатли органлари орқали солиқ ҳисоботини тўғрилигини текшириш ҳуқуқига эга.

Агар солиқ қонунчилиги корхона фойдаси ва рентабеллигини аниқлашда тадбиркорлик – барча даромадлардан барча харажатларни чиқариб ташлаш – қонунига амал қилганда осон бўлар эди. Лекин давлатнинг солиқ сиёсати фақат солиқ ҳисоблаш ва уни бюджетга ўтказиб олишнигина инобатга олмайди, балки солиқ сиёсати рағбатлантирувчи характерга эга, хўжалик юритишнинг рационал усулини рағбатлантиради ва ресурслардан қонунсиз фойдаланишни жазолайди. Солиқ сиёсати маълум ижтимоий мақсадни ҳам кўзлайди, янги ҳудудларни ўзлаштиришга ундайди.

Демак, корхона ўз хўжалик фаолиятини самарадорлигини аниқлаш ва келгуси даврга бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ҳисобот даврида даромад ва харажатларни ҳисоблаб чиқиш имкониятини берадиган

¹ ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 54-сонли қарори билан тасдиқланган « Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғриси»да Низом» 1999 йил 5 феврал. (2003 йил 15 октябрдаги янги қайтадан ишлаб чиқилган наشري)

ахборотларни йиғиш ва ишлаб чиқиш тизимига эга бўлиши керак. Корхона – бу ҳисобларни солиқ факторини инобатга олмасдан бажаради.

Корхонанинг баланс фойдасини аниқлаш учун сотишдан тушган тушумдан олиб ташланадиган харажатлар рўйхати харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг асосий матнида келтирилган. Бундан кейин корхона бухгалтерия ҳисоби счетларида кўрсатилган фойдани солиқ қонунчилигига биноан тузатиб солиққа тортиладиган базани аниқлайди. Бухгалтерия ҳисоби счетларидаги фойдани солиқ қонунчилигига биноан тузатишга мисол сифатида нормадан ортиқ сарфланган сафар харажатлари, ёки нормадан ортиқ реклама харажатлари ва бошқаларни келтириш мумкин.

Демак, солиққа тортиладиган базани ҳисоблаб чиқиш учун бу харажатларни солиққа тортиладиган фойдага қайтадан қўшиш керак. Бунинг натажасида корхона қуйидаги маълумотларга эга бўлади:

- қанча ва корхонанинг қайси бўлинмаларидан ишлаб чиқариш, молиявий ва бошқарув фаолияти натижасида фойда олинди;

- корхонанинг якуний фаолиятига давлатнинг солиқ сиёсати қанчалик таъсир қилганлиги;


- пировард натижада корхона бюджетга қанча пул ўтказиб бериши.

Шундай қилиб, корхона ахборотларни йиғиш босқичида хўжалик фаолияти натижаларига таъсир этувчи ташқи (солиқ) ва ички омилларга бўлиш имкониятини берувчи бухгалтерия ҳисоби тизимига эга бўлади. Демак, бу омилларга жавобан асосланган сиёсат ишлаб чиқиш зарур бўлади.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомда айтилганидек, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти натижасидан корхона фаолият турлари бўйича даромад олади (1-чизмага қаранг).

Бундай бўлимларнинг киритилиши корхонанинг турли фаолиятидан олинадиган даромадларини ажратиб кўрсатиш билан изоҳланади: маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича асосий фаолиятидан, молиявий фаолиятидан ва фавқулодда операциялардан. Даромадларнинг бундай

бўлиниши барча қизиқувчи томонларга корхона фаолиятига объектив баҳо бериш имкониятини беради.



1-чизма. Корхоналарда олинadиган жами даромадларни гуруҳлаш

Молиявий натижаларнинг шаклланиши бухгалтерия ҳисоби счетлар режасининг 9- бўлимида ҳисобга олинади.²

Сотишдан олинган соф тушум янги счетлар режаси бўйича 9000 «Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар» счетининг кредитидан олинади. Унга товарларни қайтарилиши, харидорлар учун берилган чегирмалар ва бошқалар киритилмайди.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишдан тушган тушум товар (бажарилган иш ва хизматлар) ни юклаб жўнатилишига ва харидорларга ҳисоблашиш ҳужжатларини тақдим этилишига қараб аниқланади. Тақдим этилган ҳисоблашиш ҳужжатларига қараб молиявий натижаларни аниқлаш услуби бозор иқтисодиётидаги мамлакатларга хос. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро андазалари молиявий натижаларни айнан шундай тартибда шакллантиришни талаб қилади.

Тақдим этилган счетлар бўйича молиявий натижаларни аниқлаш қўшилган қиймат солиғи, бюджетга фойдадан ажратма солиғини тўлашда корхоналарни мураккаб шароитда қолдириши мумкин. Шунинг учун ҳам корхоналар жўнатиладиган маҳсулоти, бажариладиган иш ва хизматлари учун олдиндан ҳақ тўлаш усулидан фойдаланиши керак.

² ЎзР АВ 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатдан ўтган. ЎзР МВ 09.09.2002 йилдаги 103-сонли буйруғи билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикасининг 21-сонли БХМС. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счетлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома.

Молиявий натижалар — бу хўжалик юритувчи субъектнинг маълум ҳисобот даврида тадбиркорлик фаолияти жараёнида ўзига қаршли маблағнинг ошиши ёки камайишидир. Бухгалтерия ҳисобида бундан фаолият натижаси ҳисобот давридаги барча фойдалар ва зарарларни ҳисоблаш йўли билан аниқланади³.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш корхоналар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, уларни юзага келган янги иқдисодий муносабатлар шароитида ривожланишини таъминлаш, мамлакатда кичик тадбиркорликни ривожлантириш корхоналарнинг молиявий барқарорлигига узвий боғлиқ. Корхоналарнинг молиявий жиҳатдан барқарор бўлиши уларнинг фаолияти давомида олган фойдасининг тўғри шакллантирилиши билан боғлиқ. Чунки корхоналарда фойда шу ерда ишловчиларнинг моддий таъминланишининг, корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришнинг, ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқларини ва янги технологияларни жорий қилиш каби ишларнинг асосий моддий манбаси ҳисобланади.

Фойда моддий ишлаб чиқариш соҳасида тадбиркорлик фаолияти жараёнида яратилади. Ишлаб чиқариш омиллари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдали ишлаб чиқариш фаолияти бирикиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқарилади, у истеъмолга сотилганда, товар бўлиб ҳисобланади.

Товар-пул муносабатлари шароитида корхона даражасида соф даромад фойда шаклини олади. Товарлар бозорида корхоналар нисбатан алоҳида товар ишлаб чиқарувчи бўлиб майдонга чиқадилар. Бозорда маҳсулотга нарх белгилаб, уни истеъмолчиларга сотадилар.

Сотиш натижасида улар пул тушумини оладилар, бу эса даромад олинганлигини англатади. Молиявий натижани аниқлаш учун тушумни маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажат билан таққослаш керак.

Агар тушум харажатлардан юқори бўлса, молиявий натижа фойда олинганлигидан далолат беради. Тадбиркор доимо фойда олишни ўз олдига

³ Каримов А ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. —Т.: Шарк, 2004. 383-385 бетлар

мақсад қилиб қўяди, лекин бунга доим ҳам эриша олмайди. Агар тушум харажатларга тенг бўлса, унда фақат махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари қопланган бўлади, холос. Бунда зарар кўрилмайди, лекин ишлаб чиқариш, илмий-техник ва ижтимоий ривожланишнинг манбаи сифатидаги фойда ҳам олинмайди.

Агар корхона харажатлари тушумидан кўп бўлса, у зарар кўради, яъни салбий молиявий натижага эришади. Бу ҳолат уни анча мураккаб молиявий аҳволга солиб қўяди. Фойдани бозор муносабатларининг ўта муҳим тоифаси сифатида талқин этиш мумкин⁴.

1. Фойда корхона фаолияти натижасида олинган иқтисодий самарани характерлайди. Лекин ягона фойда кўрсаткичи ёрдамида корхона фаолиятининг барча томонларини баҳолаб бўлмайди. Бундай универсал кўрсаткичнинг бўлиши ҳам мумкин эмас. Айнан шунинг учун корхонанинг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий фаолиятини ташкил қилишда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Фойданинг аҳамияти шундан иборатки, у якуний молиявий натижани акс эттиради, шу билан бирга унинг миқдори ва ўзгаришга корхонанинг харажатларига боғиқ бўлган ҳамда боғлиқ бўлмаган омиллар таъсир килади. Фойда рағбатлантирувчи функциясини бажаради. Бунинг мазмуни шундан иборатки, фойда бир вақтнинг ўзида молиявий натижа ва корхона молиявий ресурсларининг асосий элементи ҳисобланади. ўз-ўзини молиялаштириш тамойилининг реал таъминланиши олинган фойда билан белгиланади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришни, корхонанинг илмий-техник ва ижтимоий ривожланишини, ходимларни моддий рағбатлантиришни молиялаштириш учун етарли бўлиши керак

2. Фойда турли даражадаги бюджетларни рағбатлантириш манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади. У солиқлар кўринишида

⁴ Каморджанова Н., Карташова И. Бухгалтерский финансовый учет: Учеб. пос. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2006. – 189 с.

бюджетларга келиб тушади ва бошқа даромад тушумлари билан бир қаторда ижтимоий эҳтиёжларни қондиришни молиялаштириш, давлат томонидан ўз фаолиятини бажаришни таъминлаш, давлатнинг инвестиция, ишлаб чиқариш, илмий-техник ва ижтимоий дастурларини амалга ошириш учун ишлатилади.


Бозор иқтисодиёти шароитида фойданинг аҳамияти жуда катта. Фойда олишга интилиш товар ишлаб чиқарувчиларни истеъмолига керак бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишга, ишлаб чиқаришга кетадиган харажатларни камайтиришга ундайди. Эркин рақобат шароитида бу орқали нафақат тадбиркорларнинг мақсадига, балки ижтимоий эҳтиёжлар қондирилишига ҳам эришилади. Зарарларнинг ҳам ўз ўрни бор. Улар маблағларни йўналтиришда, ишлаб чиқаришни ташкил қилишда ва маҳсулотни сотишдаги хатоларни ёритиб беради.

Фойдага иқтисодий тоифа сифатида қараганда, у ҳақда абстракт ҳолда гапирилади. Лекин корхонанинг хўжалик ва молиявий фаолиятини режалаштиришда ҳамда баҳолашда, корхона ихтиёрида қолган фойдани тақсимлашда фойданинг аниқ кўрсаткичлари ишлатилади. Фойда бу корхонанинг маҳсулот сотишдан олинган фойдаси (зарари) билан маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлмаган фойдалари (зарарлари) йиғиндисидир⁵. Маҳсулот сотиш дейилганда, нафақат, натурал-моддий шаклга эга бўлган ишлаб чиқарилган товарларни сотиш, балки ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ҳам тушунилади. Охирги молиявий натижа сифатида фойда корхонанинг барча хўжалик операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби ва баланс моддаларини баҳолаш асосида аниқланади. Фойда атамасининг ишлатилиши шу билан боғлиқки, корхона ишининг якуний молиявий натижаси унинг чорак йил якуни бўйича тузиладиган балансида акс этади.

⁵ Алборов, Ролан А. Бухгалтерский управленский учёт (теория и практика)/ Р.А Албаров. - М.: Издательство «Дело и Сервис» 2005. - 124 с

Молиявий натижаларни бухгалтерияда ҳисобга олишнинг асосий вазибалари қуйидагилардир: молиявий натижаларнинг шаклланиши тўғри эканлигини ўрганиш; олинган фойда миқдорини ҳар ойда ҳамда йил бошидан ўз вақтида ва тўғри ҳисоб-китоб қилиш; молиявий натижалар билан боғлиқ операцияларни ва уларнинг тақсимланишини бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида ва тегишли регистрларда тўғри акс эттириш.

Корхона томонидан олинган фойданинг таркибини аниқлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки қайси фаолият туридан корхона фойда олаётганлиги ва қайси фаолият туридан зарар кўраётганлигини билиш корхонанинг молиявий-иқтисодий барқарорлигига ҳам ўзининг таъсирини ўтказади (2-чизмага қаранг).




2-чизма. Корхона фойдасининг турлари.

Фойданинг тақсимланиши деганда унинг истеъмол ва жамғаришга йўналтирилиши, жорий давр фойдасининг солиқлар тўлови, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва захиралашга ҳамда капитал эгалари ўртасидаги шартлар, келишувларга биноан тақсимланиши тушунилади (3-чизмага қаранг).

Фойдадан олинган солиқлар қатъий ставкаларда ва фойзаларда ундирилади. Ҳисоб фойдасининг қолган қисми корхона соф фойдаси сифатида унинг эркин белгиловига мувофиқ тақсимланади.

Соф фойдадан ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга оид сарфлар акционерларнинг умумий йиғилишида ҳисоб бериш ҳамда уларнинг розилигини олиш асосида белгиланади.



3-чизма. Фойданинг тақсимланиши

Шундай қилиб, соф фойданинг қолган қисми чиқарилган акцияларнинг турига қараб ва уларнинг имтиёзли шартлари асосида тақсимланади. Дастлаб имтиёзли акция эгаларига олдиндан кафолатланган фоизларда тўловлар ҳисобга олинади, сўнгра оддий акция эгаларига дивиденд фоизлари ва суммалари эълон қилинади. Фойданинг тақсимланмаган қисми корхона учун тақсимланмаган фойда сифатида, агар корхона ночор аҳволда бўлса, қопланмаган зарар сифатида кейинги ҳисобот йилига ўтказилади.

Иқтисодий таҳлилнинг усули деб,- диалектик усулга асосланган бўлиб, унинг предметини макон ва замонда, ахборотлар манбаида ифодаланган кўрсаткичлар тизими асосида ҳар томонлама комплекс ўрганиш, мавжуд ички ва ташқи имкониятларни аниқлаш, объектнинг самарадорлигини ошириш, унинг иқтисодий қудратини юксалтириш, молиявий барқарорлигини таъминлаш, бошқаришни такомиллаштириш мақсадида қўлланиладиган усуллар мажмуидан иборатдир. Хўжалик фаолиятини таҳлил этишда кўпгина усулдан фойдаланилади (4- чизмага қаранг).

Анъанавий усул - энг қадимги усуллар бўлиб, улар таҳлил вужудга келган кундан бошлаб қўлланиб келинаётган усуллардир. Буларга қуйдагиларни: таққослаш, қайта ҳисоблаш, баланс усули, гуруҳларга ажратиш, занжирли боғланиш, индекс усули, мутлоқ, нисбий ва ўртача миқдор кўрсаткичлари киритиш мумкин.



4- чизма. Таҳлилда қўлланиладиган усуллар

Математик усуллар-таҳлил фанининг такомиллашуви билан унга ЭХМларни қўллаш ва математик усуллардан фойдаланиш жараёнида кириб келган. Бунинг талай усуллари билан бирга бир қанча типлари ҳам мавжуд. Булар: мультипликатив модель, аддитив модель, касрли модель, узайтириш, кенгайтириш, қисқартириш кабилардир.

Интеграл усул - бу усул бир томондан анъанавий усулларга, иккинчидан эса, математик усулга мансуб такомиллашган усулдир. Натижа кўрсаткичларига алоҳида омилар таъсирини интеграл усули билан аниқлаш, фарқлаш, занжирли алмаштириш каби усулларнинг такомиллашган шаклидир. Қуйида биз асосий воситалардан самарали фойдаланишни тўғри ташкил этишда бевосита иқтисодий таҳлил фанининг интеграл усули ёрдамида аниқлашни кўришимиз мумкин.

Интеграл усулнинг ижобий томони шундаки, агарда занжирли боғланиш ёки фарқлаш усулларида омилар кетма-кетлиги ўзгарса, уларнинг натижа ўзгаришига таъсири ҳар хил булади. Бу усулда у ёки бу омининг

таъсирини ҳисоблашда кетма-кетликка риоя қилиш талаб этилмайди. Омилларнинг кетма-кетлиги ўзгаришидан қатъий назар, улар таъсири ҳамиша бир хил, энг муҳими тўғри топилади.

Шундай қилиб, иқтисодий таҳлилнинг услубий асосларини ҳар томонлама тадқиқ қилиш, иқтисодчи олимларнинг тадқиқот натижаларини ўрганиш асосида, молиявий натижаларни таҳлил қилиш ва уларга таъсир этувчи омилларни аниқлашда таҳлилнинг аънанавий усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Чунки аънанавий усуллардан фойдаланишда бир мунча афзалликларга эга бўлиб, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан таҳлил ишларини олиб боришига қулай ва соддадир.

1.2. Фермер хўжаликларда молиявий натижалар кўрсаткичларининг мазмуни ва моҳияти

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида барча ҳаракат, фаолиятнинг натижаси фойда ва зарардир. Лекин корхона ва ташкилотлар учун фойда олиш афзалдир. Фойда олишни кўпайтириш жамият манфатиға ҳам мос келади. Чунки иқтисодий фаолиятнинг юқори фойдалилиги индивидуал фойданинг кўпайиши билан умуммамлакат миллий даромадининг ортишиға олиб келади. Айтиш мумкинки, фойда миқдори ва унинг даражаси бозор иштирокчиларининг, айниқса тадбиркорларни ҳаракатға келтирувчи кучдир. Бозор иштирокчисининг манфаатдорлиги фойда миқдори билан белгиланади. Корхоналар, ташкилотлар ҳамда тадбиркорлар қайси тармоқ ва фаолият фойдани кўпроқ келтирадиган бўлса сармояни шу ерга жалб қилиб ва барча имкониятларини ишға солиб шу фаолиятни ривожлантириш, рентабеллик даражасини оширишға, кўпроқ фойда олишға интиладилар. Агар мазкур соҳада капитал ўзини оқламаса, фойда келтирмаса ва бозорда ўз ўрнини топа олмаса инвестор капитални бу ердан олиб, бошқа янада даромадлироқ бўлган тармоқға ташлайди. Шунга кўра нима билан шуғулланишни қандай фаолиятға қўл уришни шу фаолиятдан келадиган фойда белгилаб бериши мумкин.

Фойда олиш учун яширин иқтисодий фаолият — тақиқланган ишлар билан шуғулланиш ҳаракатлари ҳам мавжуд бўлиб, бу кўп ҳолларда кўпроқ фойда олиш мақсадида солиқдан қочиб, яширин ишлаб-чиқариш цехлари, давлат рўйхатидан ўтмаган, ҳеч қандай лицензиясиз товар савдоси билан шуғулланадиган дўконлар ва чакана фаолият билан шуғулланувчи, рухсатномасиз, ҳисоб рақамига эга бўлмаган тадбиркор ва савдогарлардир. Бундан ташқари мўмайгина даромад олиш мақсадида мамлакат ҳудудидан наркотик моддалар ва контрабандани пуллаш ёки транзит усулида олиб ўтиб бошқа чет давлатларда сотиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Буларга қарши эса ўз навбатида қонун ҳимоячилари ва назоратчилари (божхона посбонлари ва солиқ бўлимлари ходимлари, чегарачилар, милиция ва ҳоказо) курашадилар. Бу албатта умумий ҳолат эмас. Буни хаттоки бозорнинг умумий ички қонунларининг бузилиши, сунъий ҳолатнинг юзага келиши ёки умумий бозор ҳаракатидан чекиниш дейиш мумкин.

Бозор иштирокчилари, шу жумладан тадбиркорларнинг манфаати халқ истеъмоли туфайлигина рўёбга чиқади. Ишлаб чиқарилаётган товарлар, маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматлар ва бажарилаётган ишлар таклиф мазмунига эга бўлсагина улар истеъмолга йўл олади, бошқача қилиб айтганда сотилади. Истеъмолсиз талаб бўлмаганидек, таклифсиз ҳар қандай товар ва хизматнинг ҳариди, истеъмол қилувчиси бўлмайди.

Демак, талабсиз фойда юзага келмаслиги керак. Бозор қонуниятининг мазмуни ҳам шундан иборат ва бозор шароитида даромад олиш, фойда қилишнинг бошқача усули бўлиши мумкин эмас. Фойда механизмининг таъсири ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар фаолиятини истеъмолчи манфаатига қаратади, чунки шу йўл орқалигина фойда олишни билади.

Фойдани юқори даражага кўтариш бозор иқтисодиётидаги энг муҳим кучдир. Фойда нормал ва юқори бўлиши мумкин. Нормал фойда олмаслик фаолият юритишни ўзгартириш чораларини қўллашга ундайди. Аҳвол оғирлашганда вақтинча фойдадан воз кечиб, тижорат фаолиятни давом эттириш чегарасида бўлинади.

Фойданинг камайишига жуда кўп омиллар таъсир қилади. Бу омилларни аниқлаш салбий оқибатларни олдини олиш мақсадида учрайдиган тўсиқларни бартараф қилиш усуллари ишлаб чиқишда бизга таҳлил ёрдамга келади. Мисол учун, фойда бир жиҳатдан ишлаб-чиқариш самарадорлигига боғлиқдир. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун ишлаб чиқаришга янги технологияларнинг жалб қилиниши, ходимларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, иш сифатини яхшилаш ва ҳокозолар ижобий таъсир кўрсатади.

Молиявий натижалар – бу хўжалик юритувчи субъектнинг маълум ҳисобот даврида тадбиркорлик фаолияти жараёнида ўзига қаршли маблағнинг ошиши ёки камайишидир. Бухгалтерия ҳисобида бундай фаолият натижаси ҳисобот давридаги барча фойдалар ва зарарларни ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш корхоналар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, уларни юзага келган янги иқтисодий муносабатлар шароитида ривожланишини таъминлаш, мамлакатда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш корхоналарнинг молиявий барқарорлигига узвий боғлиқ. Корхоналарнинг молиявий жиҳатдан барқарор бўлиши уларнинг фаолияти давомида олган фойдасини тўғри шакллантирилиши билан боғлиқ. Чунки корхоналарда фойда шу ерда ишловчиларнинг моддий таъминланишининг, корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришнинг, ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқларини ва янги технологияларни жорий қилиш каби ишларнинг асосий моддий манбаси ҳисобланади.

Фойда моддий ишлаб чиқариш соҳасида тадбиркорлик фаолияти жараёнида яратилади. Ишлаб чиқариш омиллари (меҳнат, капитал ва табиий ресурслар) ва хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдали ишлаб чиқариш фаолияти бирикиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқарилади, у истеъмолга сотилганда, товар бўлиб ҳисобланади.

Товар-пул муносабатлари шароитида корхона даражасида соф даромад

фойда шаклини олади. Товарлар бозорида корхоналар нисбатан алоҳида товар ишлаб чиқарувчи бўлиб майдонга чидадилар. Бозорда маҳсулотга нарх белгилаб, уни истеъмолчиларга сотадилар. Сотиш натижасида улар пул тушумини оладилар, бу эса даромад олинганлигини англатади. Молиявий натижани аниқлаш учун тушумни маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажат билан таққослаш керак.

Агар тушум харажатлардан юқори бўлса, молиявий натижа фойда олинганлигидан далолат беради. Тадбиркор доимо фойда олишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди, лекин бунга доим ҳам эриша олмайди. Агар тушум харажатларга тенг бўлса, унда фадат маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари қопланган бўлади, холос. Бунда зарар кўрилмайди, лекин ишлаб чиқариш, илмий-техник ва ижтимоий ривожланишнинг манбаи сифатидаги фойда ҳам олинмайди.

Агар корхона харажатлари тушумидан кўп бўлса, у зарар кўради, яъни салбий молиявий натижага эришади. Бу ҳолат уни анча мураккаб молиявий аҳволга солиб қўяди.

Фойдани бозор муносабатларининг ўта муҳим категорияси сифатида талқин этиш мумкин.

1. Фойда корхона фаолияти натижасида олинган иқтисодий самарани характерлайди. Лекин ягона фойда кўрсаткичи ёрдамида корхона фаолиятининг барча томонларини баҳолаб бўлмайди. Бундай универсал кўрсаткичнинг бўлиши ҳам мумкин эмас. Айнан шунинг учун корхонанинг ишлаб чиқариш, хўжалик ва молиявий фаолиятини ташкил қилишда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Фойданинг аҳамияти шундан иборатки, у якуний молиявий натижани акс эттиради, шу билан бирга унинг миқдори ва ўзгаришга корхонанинг харажатларига боғлиқ бўлган ҳамда боғлиқ бўлмаган омиллар таъсир қилади. Фойда рағбатлантирувчи функциясини бажаради. Бунинг мазмуни шундан иборатки, фойда бир вақтнинг ўзида молиявий натижа ва корхона молиявий ресурсларининг асосий элементи ҳисобланади. Ўз-ўзини молиялаштириш тамойилининг реал

таъминланиши олинган фойда билан белгиланади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришни, корхонанинг илмий-техник ва ижтимоий ривожланишини, ходимларни моддий рағбатлантиришни молиялаштириш учун етарли бўлиши керак.

2. Фойда турли даражадаги бюджетларни рағбатлантириш манбаларидан бири бўлиб ҳисобланади. У солиқлар кўринишида бюджетларга келиб тушади ва бошқа даромад тушумлари билан бир қаторда ижтимоий эҳтиёжларни қондиришни молиялаштириш, давлат томонидан ўз фаолиятини бажаришни таъминлаш, давлатнинг инвестиция, ишлаб чиқариш, илмий-техник ва ижтимоий дастурларини амалга ошириш учун ишлатилади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фойданинг аҳамияти жуда катта. Фойда олишга интилиш товар ишлаб чиқарувчиларни истеъмолига керак бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишга, ишлаб чиқаришга кетадиган харажатларни камайтиришга ундайди. Эркин рақобат шароитида бу орқали нафақат тадбиркорларнинг мақсадига, балки ижтимоий эҳтиёжлар қондирилишига ҳам эришилади. Зарарларнинг ҳам ўз ўрни бор. Улар маблағларни йўналтиришда, ишлаб чиқаришни ташкил қилишда ва маҳсулотни сотишдаги хатоларни ёритиб беради.

Фойдага иқтисодий категория сифатида қараганда, у ҳақда абстракт ҳолда гапирилади. Лекин корхонанинг хўжалик ва молиявий фаолиятини режалаштиришда ҳамда баҳолашда, корхона ихтиёрида қолган фойдани тақсимлашда фойданинг аниқ кўрсаткичлари ишлатилади. Фойда бу корхонанинг маҳсулот сотишдан олинган фойдаси (зарари) билан маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлмаган фойдалари (зарарлари) йиғиндисидир. Маҳсулот сотиш дейилганда, нафақат, натурал-моддий шаклга эга бўлган ишлаб чиқарилган товарларни сотиш, балки ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ҳам тушунилади. Охирги молиявий натижа сифатида фойда корхонанинг барча хўжалик операцияларнинг бухгалтерия

ҳисоби ва баланс моддаларини баҳолаш асосида аниқланади. Фойда атамасининг ишлатилиши шу билан боғлиқки, корхона ишининг якуний молиявий натижаси унинг чорак, йил якуни бўйича тузиладиган балансида акс этади.

Иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида ҳар бир корхона ўзининг ишлаб чиқариш тижорат фаолиятидан кўпроқ даромад олишдан манфаатдор. Аммо нафақат фойда, балки юқорида таъкидланганидек, зарар ҳам корхона фаолиятининг молиявий натижаси бўлиши мумкин. Бундай ҳолат корхона самара бермайдиган ишлаб чиқариш усулларида фойдаланса ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот истеъмолчилар талабини қондирмаса рўй бериши мумкин.

Фаолият юритишнинг ҳозирги тизим шароитида фойда кўрсаткичи корхонанинг асосий ва ахборот маблағларидан самарали фойдаланишни талаб ва эҳтиёжга қараб ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириши, яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот истеъмолчи талабига жавоб бера оладиган бўлиши, ишлаб чиқариш ҳаридор учун хизмат қилиши лозим. Тўла хўжалик ҳисобининг муҳим тамойили, корхонанинг тўла мустақилликка эришуви ва харажатларни ўз маблағи ҳисобидан қоплашидир. Бу дегани корхона маҳсулот сотишдан олган маблағидан ўзининг ҳамма харажатларини қоплайди ва ундан ташўари фойда ҳам олади. Фойданинг бир қисми бюджетга солиқлар ҳамда бошқа тўловларни тўлаш учун сарфланади, қолгани эса корхона ихтиёрида қолади ва фаолиятни илмий-техник, иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади. Корхона ихтиёрида қолган маблағни қандай мақсадларга сарфлашни ўзи мустақил равишда ҳал қилади.

Фойда, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи ҳам соф даромаднинг шакллари бўлиб ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири ташкил топиш механизми ва улар йўналишлари бўйича бир биридан фарқ қилади. Қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи давлат бюджетига маҳсулот сотилганидан кейин ўтказилади, бу маблағ умумдавлат ҳамда умумхалқ мақсадлари учун

сарфланади. Бу солиқлар давлат бюджетининг фойдаси бўлиб, товарларни сотувчи, маҳсулот ишлаб чиқарувчи, иш ва хизматлар кўрсатувчи корхоналардан белгиланган фоиз ставкалар асосида ундирилади ва бюджетга ўтказилади. Бу давлат бюджети фойда қисмининг бир бўлагини ташкил қилади.

Фойда корхонанинг охирги молиявий натижаси ҳисобланади. У корхона даромадининг бир қисмини ташкил қилади. Кўпгина одамлар фойда ва даромад тушунчаларини адаштиришади. Аслини олганда фойда бу даромаддан турли хил чегирмалари ва бошқа харажатлар айриб ташлангандан сўнг корхона ихтиёрида қоладиган даромаднинг бир бўлаги. Корхона ва ташкилотлар фойдани турли мақсадларда сарф қилишлари мумкин ва бу корхона таъсис ҳужжатлари, корхона раҳбари ёки акциядорлар йиғилиши қарорига биноан амалга оширилади.

Фойда кўрсаткичини тўғри аниқлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур даромад ҳисобидан махсус мақсадларга мўлжалланган фондлар, резерв фонди ташкил этади, капитал қўйилмалар молиялаштирилади ва ижтимоий тадбирлар амалга оширилади.

Молиявий натижалар миқдорига жуда кўп омиллар таъсир этади. Масалан, инфляция, валютанинг ўзгариб туриши ва бошқалар. Ишлаб чиқариш ва муомала жараёнидаги юқорида санаб ўтилган омиллар таъсири ҳисобга олинган ҳолда молия натижалари аниқланиши лозим. Аниқланган молия натижалари ҳақиқатни тўғри, аниқ акс эттириши лозим. Шунинг учун ҳам корхоналарда бухгалтерия ҳисобини тўғри юритиш ва олинган фойда миқдорини тўғри аниқлаш лозим. Фойда миқдорини камайтириши давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган маблағ миқдорининг камайтиришига ва бу ўз навбатида бюджет ҳисобидан амалга ошириладиган харажатлар миқдорининг камайтиришига олиб келади. Зарарга ишлайдиган корхоналар эса охир оқибатда «синади» - инқирозга юз тутаяди. Бошқача қилиб айтганда ўзининг бошқа иқтисодий субъектлар олдидаги қисқа ва узоқ муддатли мажбуриятларини қоплай олмайди. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида, амалдаги қонунларга

кўра яхши ишлайдиган корхоналар фойдасини қайта тақсимлаш кўзда тутилмаган. Шунинг учун ҳам зарарга ишлайдиган корхоналар ўз харажатларини ўзлари қоплашлари, бунинг учун уни қоплаш йўлларини излаб топишлари керак.

Фаолият юритишнинг ҳозирги шароитида бухгалтерия ҳисобини услубияти ва ташкил этишда муҳим ўзгаришлар, сезиларли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Фаолият юритувчи субъектларнинг ўз хўжалик муомилаларини акс эттиришда ҳуқуқлари кенгайтирилди. Улар мустақил равишда ишлаб чиқариш захираларини баҳолаш усулларини, маҳсулот (иш хизматлар) таннархини ҳисоблаш усулларини танлайдилар, ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқадиладар, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ташкил этишни аниқ услубиятларини, шаклларини, техникасини аниқлайдилар. Бошқача ўилиб айтганда ҳозирги вақтда марказлаштирилган усулда фақат бухгалтерия ҳисобининг умумий қоидалари ўрнатилади, уларни аниқлаш ҳамда бажариш механизми эса ҳар бир корхона ва ташкилотда ўзининг фаолият юритиши шароитларидан келиб чиққан ҳолда мустақил белгилайди. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиёт ривожланишнинг асоси, корхона фаолияти самарадорлиги кўрсаткичи, унинг яшовчанлиги манбаидир. Фойданинг ўсиши корхонанинг кенгайтирилган ишлаб чиқаришини шакллантириш, ижтимоий ва моддий эҳтиёжларини қондиришнинг молиявий асоси бўлиб хизмат қилади.

Бозор муносабатларининг ривожланиши фойданинг корхона ва давлатнинг иқтисодий эҳтиёжлари ҳаракатининг моддий асоси сифатидаги ўрнини оширмоқда. Умумдават эҳтиёжларининг қондирилиши, солиқ тўловлари воситасида амалга оширилади. Корхона иқтисодий эҳтиёжларининг амалга оширилишига асос бўлиб, корхона ихтиёрида қолувчи фойда ҳисобланади ва унинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланишининг асосий манбаидир. Шу сабабли молиявий натижаларнинг шаклланиши ва фойданинг ишлатилиши бўйича хўжалик муомилаларини текширишнинг асосий мақсади фойда (зарар)ни аниқлашнинг тўғрилигини

ҳамда бюджетга тўловларни ўтказиш бўйича ҳисоблашишларнинг тўғрилигига амал қилинаётганлигини аниқлаш ҳисобланади.

Ҳозирги шароитда корхона ташкилот ва муассасалар фаолиятининг молиявий натижасини тавсифлайдиган кўрсаткич бу – ялпи (баланс) фойда ёки зарардир. Бу кўрсаткич кўпгина таҳлилий ишларда кўп ишлатилади.

Бизнес режасиз, амалга оширилаётган ишлардан хабардор бўлиб туриши керак бўлган акциядорлар, ишбилармон ҳамкорлар жамоасини ташкил ўилиш, уларсиз иш юритиш қийин бўлган маҳаллий ва чет эл акциядор (инвестор) ларни жалб қилиш, давлат ва тижорат банкларидан кредит олиш мумкин эмас.

Жамоани ҳамда фойдали бизнесни ташкил этиш, инвесторларни жалб қилиш учун ҳар бир фаолият юритувчи субъект ўз фаолиятига таъсир этган ва келажакда таъсир этиши мумкин бўлган омиллар аниқланади. Рационал равишда тузилган бизнес режа корхонанинг яхши фойда олишига таъсир кўрсатади.

II-БОБ. Фермер хўжаликларнинг молиявий мустаҳкамлиги ва баланс ликвидлиги таҳлили

2.1. Фермер хўжаликларнинг молиявий мустаҳкамлиги таҳлили

Фермер хўжаликлар молиявий ҳолатини умумий баҳолашдан кейинги молиявий таҳлил босқичи корхоналарнинг молиявий мустаҳкамлиги таҳлили ҳисобланади. Молиявий мустаҳкамликни таҳлил қилишдан олдин молиявий мустаҳкамликнинг мазмуни тўғрисида келишиб олишимиз лозим.

Иқтисодий адабиётда молиявий мустаҳкамликка ва баланс ликвидлигига бир хил таъриф беришади ва аниқланаётган кўрсаткични ёки молиявий мустаҳкамлик ёки баланс ликвидлиги, яъни корхоналарнинг олинган қарзларни қайтариб бериш қобилиятига эгалик деб тушунилади. Молиявий мустаҳкамлик ва баланс ликвидлиги — бу ўз мазмунига эга бўлган икки хил молиявий кўрсаткичлар бўлиб, корхоналар молиявий фаолиятини ҳар хил нуқтаи назардан ифодалайди.

Молиявий мустаҳкамлик кўрсаткичи комплекс сифатидаги кўрсаткич бўлиб, у:

- корхоналарнинг мураккаб бозор муносабатлари даврида ишлаб чиқаришни сақланиб қолиш имкониятини;
- корхона маблағларидан эркин равишда фойдаланиш имконияти борлигини;
- ишлаб чиқаришни тўхтатмасдан, маҳсулот сотиш имконияти борлигини;
- корхоналар фаолиятининг умумий мустаҳкамлигини;
- корхоналар фаолиятига турли бошқарувлик қилинаётганлигини;
- корхоналарда мавжуд молиявий ресурсларни бозор муносабатларининг талабларига жавоб беришлигини;
- корхоналарнинг захира ва харажатларга бўлган эҳтиёжларини қопловчи манбалар борлиги даражасини кўрсатади.

Демак, молиявий мустаҳкамлик корхоналар молиявий ресурсларининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш билан аниқланади. Молиявий

мустаҳкамликка корхоналарнинг бутун хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳамма йўналишлари таъсир кўрсатади. Унга ҳам ички, ҳам ташқи омиллар, шарт-шароитлар таъсир этади.

Ички омиллар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: корхонада ишлаб чиқаришнинг барқарорлиги; ишлаб чиқаришни ташкил қилиш; ишлаб чиқаришни бошқариш; корхона Устав капиталининг ҳажми; корхона харажат ва даромадларининг нисбати; ўзлик маблағларининг манбалари ва корхона мажбуриятларининг нисбати; корхона айланма маблағлари таркиби.

Корхоналар ўз фаолиятида бошқа корхона ва ташкилотлар билан иқтисодий алоқаларда бўлар экан, корхоналар молиявий мустаҳкамлигига ташқи омиллар ҳам таъсир этади, улар таркибида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- корхонанинг товарлар бозоридаги ҳолати;
- корхонанинг экспорт ва импорт алоқалари;
- корхонанинг бошқа корхоналар, таъминловчи ва истемолчи корхоналар билан алоқаларда бўлиши, ишга оид активлиги;
- банк органлари, дебитор ва кредиторлар билан алоқалар;
- республикада амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат, солиқ, нарх-наво ва молия, банк сиёсати, техника, технология сиёсати.

Шундай қилиб, молиявий мустаҳкамликка корхона ичидаги ва ундан ташқаридаги вазият, омиллар, шарт-шароитлар таъсир кўрсатар экан, лекин шу билан бирга молиявий мустаҳкамлик даражаси корхоналарнинг ҳозирги ва келгуси фаолиятига катта таъсир кўрсатади. Масалан, молиявий мустаҳкамликнинг даражасига биноан корхонада қуйидаги муаммолар ечилади: корхона ходимларига ўз вақтида иш ҳақи тўлаб туриш; таъминловчи ва истеъмолчи корхоналар билан иқтисодий алоқаларни керакли даражада олиб бориш; банклардан олинган кредитларни ўз вақтида қайтариб туриш; давлат бюджетига тегишли солиқ ва тўловларни ўз вақтида ўтказиб туриш; бошқа корхона ва ташкилотлардан олинган қарзларни ўз вақтида қайтариб туриш; корхона ходимларини моддий рағбатлантириб

бориш; корхона жамоасининг ижтимоий ривожланишини таъминлаш; корхонани техникавий даражасини кўтариб туриш.

Демак, молиявий мустаҳкамлик бир қанча омиллар, шарт-шароитлар таъсирининг якуни бўлиб, у ўз навбатида корхона фаолиятининг кўп томонларига таъсирини кўрсатади. Молиявий мустаҳкамликни таҳлил қилишни бошламасдан олдин яна бир муаммони кўриб чиқишимиз керак.

Бу молиявий мустаҳкамликнинг мазмуни шундан иборатки, молиявий мустаҳкамликни ўлчаш, баҳолаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизимини чегаралаб олиш лозим.

В.Г.Артеменко, М.В.Беллендирларнинг фикрича, молиявий мустаҳкамлик корхона молиявий ресурсларини шаклланиш, тақсимланиш ва фойдаланиш самарадорлигини ифодалайди. Лекин маълумки, корхоналар молиявий ресурсларининг шаклланиш, тақсимланиш ва фойдаланиш самарадорлиги уларнинг умуман молиявий ҳолати бўлса, молиявий мустаҳкамлиги корхоналар фаолиятининг фақат бир шаклини, йўналишини ифодалайди.

А.Д.Шеремет, Р.С.Сайфулинларнинг фикрича молиявий мустаҳкамлик ва тўлашга қодирлик бир мазмунга эга бўлиб, тўлашга қодирлик молиявий мустаҳкамликнинг ташқари кўринишини ифодалайди. Худди шу фикрга А.Н.Ли ва С.И.Шевченколари ҳам эга. Улар ўз мақолаларида молиявий мустаҳкамлик коэффициентининг таҳлили тўғрисида тўхталиб, тўлашга қодирлик кўрсаткичини таҳлил этганлар.

Ҳақиқатда молиявий мустаҳкамлик ва тўлашга қодирлик ҳар хил мазмунга эга бўлиб, бу молиявий кўрсаткичлар турли усулда аниқланади. Ундан ташқари А.Н.Ли ва С.И.Шевченколари молиявий мустаҳкамликни молиявий барқарорлик деб қабул қилишган. Бу ҳам нотўғри. Молиявий барқарорлик бу-корхоналарнинг молиявий ҳолатини зарурий бир хил даражада туришини, пасаймаслигини ифодалайди.

Молиявий мустаҳкамлик тўғрисида гап борар экан, яна иккита нарсага эътибор бериш лозим. Бу молиявий мустаҳкамликнинг мезони ва молиявий

мустаҳкамликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими. А.Н.Ли ва С.И.Шевченколарнинг фикрича, молиявий мустаҳкамлик мезони аниқланиши лозим ва бу мезон сифатида корхоналарнинг банкрот бўлиши эҳтимоллигининг паст даражаси тавсия этилади. Авваламбор молиявий мустаҳкамлик даражасига биноан корхоналарнинг банкрот бўлиш эҳтимоллиги аниқланмайди.

Фикримизча, молиявий кўрсаткичларни, шу жумладан, молиявий мустаҳкамлик бўйича ҳам мезонлар эмас, оптимал ёки меъёрий даражалари тасдиқланиши керак.

Иқтисодий адабиётда молиявий мустаҳкамлик даражасини ўлчаш учун ҳар хил кўрсаткич тизимлари тавсия этилади. А.Н.Ли ва С.И.Шевченколар молиявий мустаҳкамликни аниқлаш учун корхона капиталининг таркибий кўрсаткичлари, В.Г.Артеменко ва М.В.Беллендирлар эса молиявий мустаҳкамликни таҳлил этишда нисбий кўрсаткичлар билан бирга мутлақ кўрсаткичлардан ҳам фойдаланишган.

Молиявий мустаҳкамлик албатта, нисбий кўрсаткичлар, захиралар ва харажатлар ҳамда уларни қопловчи манбалар нисбати билан аниқланиши лозим. Захира ва харажатлар билан уларни қопловчи манбалар ўртасидаги фарқ-мутлақ кўрсаткичлар молиявий мустаҳкамликни кўрсатмайди. Улардан фақат молиявий мустаҳкамликни аниқлаш учун ахборот базаси сифатида фойдаланилади. Шундай қилиб, иқтисодий адабиётда молиявий мустаҳкамликни таҳлил қилишда энг асосий муаммо, унинг иқтисодий мазмуни бўйича иқтисодчи олимлар ўртасида ҳали келишув йўқ. Молиявий мустаҳкамлик кўрсаткичларини ҳисоблаш услубияти бўйича ҳам иқтисодий адабиётда хатоликларга йўл қуйишган. Масалан А.Н.Ли ва С.И.Шевченколар томонидан молиявий мустаҳкамликнинг бир гуруҳ кўрсаткичлари қуйидагича аниқланади.

$$1. \text{Мулкий мустақиллик коэффициенти} = \frac{\text{Korxonaning kapitali}}{\text{Korxona aktivlarining o'rtacha qqiymat}}$$

(автономия)

$$2. \quad \text{Молиявий мустаҳкамлик коэффициенти} = \frac{\text{Korxona kapitali} + \text{uzoq muddatli majburiyatlar}}{\text{Korxona aktivlarining o'rtacha qiymati}}$$

$$3. \quad \text{Молиявий коэффициенти} = \frac{\text{Ichki kapital}}{\text{Korxona aktivlarining o'rtacha qiymati}}$$

Маълумки, динамик кўрсаткичлар икки шаклда бўлиши мумкин. Бу лаҳзалик динамик кўрсаткичлар ва оралик динамик кўрсаткичлар.

Лаҳзалик динамик кўрсаткичлар-аниқ кунга келтирилган маълумотлар, яъни ҳар ой, ҳар чоракни биринчи кунига, йилни бошига, охирига келтирилган маълумотлар.

Оралик динамик кўрсаткичлар-ҳар бир даврга аниқланган ўртача миқдор маълумотлар, яъни ўртача бир ойга, бир чоракка, бир йилга.

Ҳодисаларни миқдорий ифодалаш қонуниятининг талабларидан бири шундан иборатки, лаҳзалик динамик кўрсаткичлар асосан лаҳзалик динамик кўрсаткичлари билан, оралик динамик кўрсаткичлар интерваллик кўрсаткичлари билан таққосланиши лозим. Кўриниб турибдики, юқорида келтирилган кўрсаткичларни аниқлаш услуби бу талабга жавоб бермайди.

Кўрсаткичларнинг махражида корхона активларининг ўртача қиймати келтирилган, яъни оралик динамик кўрсаткичлар. Бу кўрсаткичларнинг суръатида эса, ўзлик капиталнинг, узок муддатли мажбуриятлар, ишчи капиталнинг қолдиқ суммалари (даврнинг бошига ёки охирига), яъни лаҳзалик динамик кўрсаткичлар келтирилган. Демак, фойдаланилаётган кўрсаткичлар нотўғри ҳисобланган. Пировардида, молиявий мустаҳкамлик таҳлилини бошламасдан аввал яна бир муаммони қуришга тўғри келади. Бу - молиявий мустаҳкамликни таҳлил этишда фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизимидир. Бу борада ҳам муаллифларнинг тавсиялари турлича.

А.Н.Ли, С.И.Шевченколар қуйидаги кўрсаткичлар тизimini тавсия этганлар:

- жорий ликвидлик (қўллаш; муҳитли ликвидлик; мутлақ ликвидлик; ҳаракатчан ликвидлик; ишчи капиталнинг фойдаланиш самарадорлиги; қарздорлик динамик омили; молиявий қарамлик: ўзлик-қарамлик; молиявий мустаҳкамлик; моневрганлик; банкротлик коэффициенти; асосий

воситаларни янгилаш; қарзлар таъминланиш; кредиторларни мудофаланганлиги коэффиценти; дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ўртасидаги нисбат; айланма ва айланмадан ташқари маблағлар ўртасидаги нисбат.

Кўриниб турибдики, тавсия қилинган кўрсаткичлар тизимида молиявий мустаҳкамлик кенг равишда қурилади, молия мустаҳкамлигига боғлиқ бўлмаган кўрсаткичлар ҳам тавсия этилади.

А.Д.Шеремет, Р.С.Сайфулин «Бозор мустаҳкамлигини баҳолаш» сарлавҳаси остида молиявий мустаҳкамликни таҳлил қилиш учун қуйидаги кўрсаткичлар тизимини тавсия этганлар: автономия; ўз маблағлари ва қарзга олинган маблағлар ўртасидаги нисбат; ҳаракатчан ва ноҳаракатчан маблағлар ўртасидаги нисбат; чакқон ҳаракат қилиш; ўз маблағлар билан таъминланиш; ишлаб чиқариш мол-мулк; узоқ муддатга қарз олиш; қисқа муддатга олинган қарзлар; захиралар ва харажатларнинг шаклланиш манбалари коэффиценти.

Бу муаллифлар ҳам молиявий мустаҳкамликни кенг равишда ифода этганлар. В.Г.Артеменко, М.В. Беллендир молиявий мустаҳкамликни таҳлил этиш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланишган: ўз маблағлари билан таъминланиш коэффиценти; моддий захираларни ўз маблағлар билан таъминланиш коэффиценти; ўз капиталининг чакқон ҳаракат қилиш коэффиценти; доимий активлар индекси; узоқ муддатга қарз олиш коэффиценти; эскириш коэффиценти; капиталнинг реал қиймати коэффиценти; автономия коэффиценти; ўзлик ва қарзга олинган маблағлар ўртасидаги нисбат коэффиценти.

Бу тавсия қилинган кўрсаткичлар тизимида бевосита молиявий мустаҳкамликни ифодаловчи кўрсаткичлар битта-иккита бўлиб, улар молиявий мустаҳкамлик даражасини таҳлил этиш имкониятини бермайди.

И.Т.Абдукаримов ўз монографиясига молиявий мустақилликни таҳлил қилиш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланган: автономия; молиявий мустаҳкамлик; молиявий қарамлик; ўз капиталининг чакқонлик; қарзга олинган маблағларни йириклаштириш; қарзга олинган ўзлик капиталлар

ўртасидаги нисбат коэффиценти.

Фикримизча, бу кўрсаткичлар тизими ҳам молиявий мустаҳкамликни ҳар томонлама таҳлил қилиш имкониятига эга эмас. Юқорида келтирилган муаллифларнинг тавсияларини таҳлил қилиш баъзан қуйидаги хулосаларга олиб келди:

Биринчидан, молиявий мустаҳкамликни мазмуни муаллифлар томонидан ҳар хил ифодаланяпти.

Иккинчидан, молиявий мустаҳкамлик молиявий ҳолатнинг бошқа йўналишлари, шакллари-молиявий барқарорлик, баланс ликвидлиги билан аралаштирилиб юборилмоқда.

Учинчидан, молиявий мустаҳкамликни таҳлил этиш учун ҳар хил тизимдаги кўрсаткичлар тавсия этилмоқда ва бу кўрсаткичлар таркибида молиявий мустаҳкамликка алоқаси бўлмаган кўрсаткичлар тавсия этилмоқда.

Тўртинчидан, тавсия этилган кўрсаткичлар муаллифлар томонидан ҳар хил усулда аниқланади ва бу борада хатоликларга ҳам йўл қўйилмоқда.

Бешинчидан, қурилган тавсияларда молиявий мустаҳкамлик кўрсаткичлари асосий ва қўшимча кўрсаткичларга бўлинмаяпти.

Маълумки, молиявий мустаҳкамлик корхоналарда фойдаланмаётган ишлаб чиқариш заҳиралари ва харажатлари ёки моддий айланма маблағлар билан уларни қопловчи манбалар ўртасидаги ўзаро нисбатни таърифлайди, баҳолайди.

Молиявий мустаҳкамликнинг ҳар хил шаклларини, ҳар томонлама таҳлил этиш учун икки гуруҳ кўрсаткичлардан фойдаланиш лозим, яъни:

1. Асосий кўрсаткичлар;
2. Қўшимча кўрсаткичлар.

Асосий кўрсаткичлар.

Маълумки, молиявий мустаҳкамлик захира ва харажатлар, уларни қопловчи манбалар ўртасидаги нисбат билан аниқланади. Бу манбалар уч хил бўлиши мумкин.

1. Ўзлик манбалари.

Корхона моддий маблағларни қоплаш учун умумий ўз манбаларининг бир қисмидан фойдаланади. Қолган қисмидан узоқ муддатли активларни қоплаш учун фойдаланилади. Демак, ўз манбаларини аниқлаш учун корхона умумий ўз манбаларидан узоқ муддатли активларнинг қийматини айириб ташлаши лозим.

Биринчи манбанинг симболи e^c .

2. Ўзлик манбалари ва корхонанинг узоқ муддатли мажбуриятлари. Демак, ўз манбаларига корхонанинг узоқ муддатли мажбуриятлари қўшилади.

Иккинчи манбанинг симболи e^T .

3. Манбаларнинг ҳаммаси, яъни ўз манбалари ва корхонанинг муддатли мажбуриятлари.

Юқорида кўрилган манбалар, яъни e^c , e^T ва e^E билан аввал баланс шакли бўйича “Захиралар ва харажатлар”, 2004 йилда киритилган баланс шакли бўйича “товар – моддий захиралар” яъни моддий айланма маблағлар билан уларни қопловчи манбалар ўртасидаги нисбатга биноан молиявий мустаҳкамлик тўрт шаклда бўлиши мумкин:

1. Мутлақ молиявий мустаҳкамлик;
2. Меъёрий молиявий мустаҳкамлик;
3. Номеъёрий молиявий мустаҳкамлик;
4. Инқирозга учраган молиявий ҳолат.

Мутлақ молиявий мустаҳкамлик деб шундай вазият тушуниладики, корхонанинг моддий айланма маблағларга бўлган эҳтиёжи ўзлик маблағлар манбалари билан тўлиқ қопланади ва корхона яна узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятлардан фойдаланиш имкониятига эга. Демак, корхона ўз эҳтиёжини қоплаш билан бирга ортиқча манбаларга эга, ундан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бошқа эҳтиёжларга фойдаланиш мумкин. Хулоса: мутлақ молиявий мустаҳкамлик молиявий мустаҳкамликнинг энг юқори даражаси ҳисобланади.

Меъёрий молиявий мустаҳкамлик шундай вазиятки, корхонанинг

моддий айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини қоплаш учун ўз маблағлари манбалари етишмайди ва шу сабабли корхона узоқ-қисқа муддатли мажбуриятлардан фойдаланади. Демак, корхонанинг моддий айланма маблағларга бўлган эҳтиёжи бу манбалар билан қопланган, унинг кўп ортиқча маблағлари бўлмаслиги мумкин. Лекин корхона меъёрий равишда уз фаолиятини давом эттириши мумкин.

Номеъорий молиявий мустаҳкамликда корхона оғир аҳволга тушиб қолган ҳисобланади, корхонанинг моддий айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини ўз маблағлари манбалари ва узоқ муддатли мажбуриятлар қопламайди, қопланмаган қисми фақат қисқа муддатга олинган мажбуриятлар ҳисобидан қопланади. Бу мажбуриятларни тез фурсатда қайтариш лозим. Агар корхона ўз молиявий ҳолатини яхшилаш учун керакли тадбирларни амалга оширмаса, у молиявий инқирозга дучор бўлиш арафасида бўлади.

Инқирозга учраган молиявий ҳолатда корхонанинг захира ва харажатларга бўлган эҳтиёжи бутун мавжуд манбалардан фойдаланилса ҳам тўлиқ қопланмайди.

Юқорида кўрсатилган молиявий мустаҳкамликнинг шакллари ҳар хил молиявий вазиятларда бўлиши мумкин. Ҳар бир шакл уч вазиятга эга. Бу вазиятларни аниқлаш учун молиявий мустаҳкамлик шакллари бўйича юқорида келтирилган манбалар “товар – моддий захиралар” – ТМЗ билан таққосланади.

Энди шу вазиятларнинг шаклланишини кўриб чиқамиз.

1. Мутлақ молиявий мустаҳкамлик.

Бу молиявий мустаҳкамлик бўлиши учун корхонанинг моддий айланма маблағларига бўлган эҳтиёжи билан уни қопловчи манбалар ўртасидаги нисбат қуйидаги молиявий вазиятлар талабларига жавоб бериши лозим:

$$1. (E^c : TMZ) \times 100 \geq 100\%.$$

$$2. (E^T : TMZ) \times 100 \geq 100\%.$$

$$3. (E^{\Sigma} : TMZ) \times 100 \geq 100\%.$$

Келтирилган молиявий вазиятлар шуни кўрсатадики, корхоналар ўзининг моддий айланма маблағларга бўлган эҳтиёжларини ҳам ўз манбалари, ҳам корхона мажбуриятлари - узоқ ва қисқа муддатга олинган қарзлар билан қоплаши мумкин.

Лекин юқорида ифодаланган учта манбалар билан корхонанинг моддий айланма маблағларига бўлган эҳтиёжи ўртасидаги нисбат ҳамма вазиятлар бўйича 100 фоизга баробар ёки ундан кўп бўлиши лозим. Демак, молиявий мустаҳкамлик мутлақ даражада бўлиши учун корхона эҳтиёжи ўз манбалари билан тўлиқ қопланиши керак. Корхона шу вазиятда ҳам ташқи мажбурият манбаларидан фойдаланиши мумкин.

Кўриниб турибдики, корхона ўзининг моддий айланма маблағларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қоплаш билан ортиқча манбаларга эга бўлиб, ундан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бошқа мақсадларда фойдаланиши мумкин.

Мутлақ молиявий мустаҳкамлик - молиявий мустаҳкамликни энг юқори даражаси, бозор муносабатларига ўтилаётган мураккаб, оғир шарт-шароитларда ҳам мавжуд.

2. Меъёрий молиявий мустаҳкамлик.

Бу молиявий мустаҳкамлик бўлиши учун корхонанинг моддий айланма маблағларга бўлган эҳтиёжи билан уни қопловчи манбалар ўртасидаги нисбат қуйидаги молиявий вазиятлар талабларига жавоб бериши лозим:

1. $(E^c : TM3) \times 100 < 100\%$.
2. $(E^T : TM3) \times 100 \geq 100\%$.
3. $(E^Z : TM3) \times 100 \geq 100\%$.

Кўриниб турибдики, корхонанинг моддий айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини қоплаш учун корхонанинг ўзлик манбалари ҳамда узоқ муддатга олинган қарзлар етишмайди ва корхона ўз эҳтиёжини қисқа муддатга олинган қарзлар ҳисобидан қоплайди. Маълумки, қисқа муддатли қарзлар бир йил муддатгача олинади, демак, улар яқин фурсатда қайтарилиши лозим.

3. Номеъёрий молиявий мустаҳкамликка учраган корхоналарни

жонлантириш бўлимига тушиб қолган касаллар билан таққослаш мумкин. Бу корхоналарда молиявий ҳолатни яхшилаш учун керакли тадбирлар амалга оширилмаса, уларнинг фаолияти тўхтаб қолиши турган гап.

Ҳаёт шуни тасдиқлаптики, мураккаб бозор муносабатлари даврида номенъерий молиявий мустаҳкамликка эга бўлган корхоналар кўпроқ учраб турибди.

1. $(E^c : TM3) \times 100 < 100\%$.

2. $(E^T : TM3) \times 100 < 100\%$.

3. $(E^{\Sigma} : TM3) \times 100 \geq 100\%$.

4. Инқирозга учраган молиявий ҳолат

1. $(E^c : TM3) \times 100 < 100\%$.

2. $(E^T : TM3) \times 100 < 100\%$.

3. $(E^{\Sigma} : TM3) \times 100 < 100\%$.

Инқирозга учраган молиявий ҳолат шуни кўрсатадики, на ўзлик манбалари, на узоқ ва қисқа муддатга олинган қарзлар корхонани моддий айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини қопламайди. Демак, корхона ўз фаолиятини мўътадил равишда давом етолмайди. Корхона ўз мажбуриятларидан қутилиш имкониятига эга емас. Бу шароитда корхонага кредит берган банклар, корхонанинг таъминловчилари, кредиторлари унинг устидан хўжалик судига аризалар топшириб, корхонани банкрот деб элон қилиш илтимосини ҳавола этиши мумкин.

Аризалар хўжалик суди органларида кўриб, натижалари икки хил шаклда баён қилиниши мумкин.

1. Инқирозга учраган молиявий ҳолатли корхона, агар ўзига маблағлар билан ёрдам берувчи корхона ва ташкилотларни, яъни ҳомийларни топса ёки керакли органларнинг қарорларига биноан бу корхонани ишлаб чиқариш, молиявий ҳолатини яхшилаш мақсадида ташқаридан бошқарувчи тайинланган тақдирда, хўжалик суди органлари бу корхонани саноатда 1,5, қишлоқ хўжалигида бўлса, 2 йил муддатгача санацияга ўтказиши мумкин.

Бу муҳлат тамом бўлиши билан хўжалик суди органлари масалага яна

қайтиб, корхонанинг молиявий ҳолати яхшиланган бўлса, уни рўйхатдан ўчиради, бироқ корхонанинг молиявий ҳолати яхшиланган бўлмаса, уни банкрот деб элон қилади, мол-мулки ким ошди савдосида сотилиб, корхона қарзлари эгаларига қайтариб берилади.

2. Инқирозга учраган молиявий ҳолатли корхона керакли ҳомийларни топа олмаса, унга ташқаридан бошқарувчи тайинланмаса, корхона хўжалик суди органларининг қарорига биноан банкрот деб элон қилинади ва мол-мулки ким ошди савдосида сотилади.

Республикада банкрот деб элон қилинган корхона ва ташкилотлар кам эмас. Шундай қилиб, молиявий мустаҳкамликни шаклланиши молиявий вазиятлари умуман қуйидагича бўлади:

1. Мутлақ молиявий мустаҳкамлик:

1. $(E^c : TM3) \times 100 \geq 100\%$.

2. $(E^T : TM3) \times 100 \geq 100\%$.

3. $(E^Z : TM3) \times 100 \geq 100\%$.

2. Меъёрий молиявий мустаҳкамлик:

1. $(E^c : TM3) \times 100 < 100\%$.

2. $(E^T : TM3) \times 100 \geq 100\%$.

3. $(E^Z : TM3) \times 100 \geq 100\%$.

3. Номеъёрий молиявий мустаҳкамлик:

1. $(E^c : TM3) \times 100 < 100\%$.

2. $(E^T : TM3) \times 100 < 100\%$.

3. $(E^Z : TM3) \times 100 \geq 100\%$.

4. Инқирозга учраган молиявий ҳолат:

1. $(E^c : TM3) \times 100 < 100\%$.

2. $(E^T : TM3) \times 100 < 100\%$.

3. $(E^Z : TM3) \times 100 < 100\%$.

Юқорида кўрилган молиявий мустаҳкамлик кўрсаткичи, унинг тўрт турдаги шакллари асосий кўрсаткич бўлиб, иқтисодий адабиётда молиявий мустаҳкамликни таҳлил этиш учун бир қанча бошқа кўрсаткичлар ҳам тавсия

этилган. Фикримизча, уларни кўрсаткичлар сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Шундай кўрсаткичлар сифатида қуйидаги молиявий коэффициентлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ; айланма маблағларни ўз манбалар билан таъминланганлик; мажбурият ва ўзлик манбаларнинг нисбат; молиявий қарамлик; ўзлик капиталнинг чакқонлик; молиялаштириш; капитални қарзга олиш коэффициентлари.

Бу қўшимча молиявий мустаҳкамлик кўрсаткичларини аниқлаш услуби қуйидагича (янги баланс шакли бўйича):

1. Айланма маблағларни ўз манбалари билан таъминланганлик коэффициенти:

$$1. \frac{\text{Ўз маблағларининг манбалари} - \text{Узоқ муддатли активлар}}{\text{Жорий активлар}}$$

$$2. \frac{\text{Узоқ муддатли мажбуриятлар} + \text{Жорий мажбуриятлар}}{\text{Ўз маблағларининг манбалари}}$$

$$3. \frac{\text{Баланс валютаси}}{\text{Ўз маблағларининг манбалари}}$$

$$4. \frac{\text{Ўз маблағларининг манбалари} - \text{Узоқ муддатли активлар}}{\text{Ўз маблағларининг манбалари}}$$

$$5. \frac{\text{Ўз маблағларининг манбалари}}{\text{Узоқ муддатли мажбуриятлар} + \text{Жорий мажбуриятлар}}$$

$$6. \frac{\text{Узоқ муддатли мажбуриятлар} + \text{Жорий мажбуриятлар}}{\text{Баланс валютаси}}$$

Бу коэффициентлардан ҳар бири ўз мазмунига эга, молиявий мустаҳкамликни алоҳида томонларини ифодалайди ва улар амалиётда кенг фойдаланилади. Уларни молиявий мустаҳкамликни таҳлил қилишдаги аҳамиятини кўзда тутиб, иқтисодий адабиётда, молиявий таҳлилда фойдаланиш учун бу коэффициентларнинг меъёрий, оптимал даражалари шаклланган. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Айланма маблағларни ўз манбалари $\geq 1,0$ ёки 100 фоиз, ёки ундан билан таъминланганлик коэффициенти. юқори

- | | |
|--|--|
| 2. Мажбурият ва ўз манбалари нисбат коэффициенти | $\geq 1,0$ ёки 100 фоиз, ёки ундан юқори |
| 3. Молиявий қарамлик коэффициенти | $\geq 2,0$ ёки 200 фоиз, ёки ундан юқори |
| 4. Ўз капиталининг чакқонлик коэффициенти | $\geq 0,5$ ёки 50 фоиз, ёки ундан юқори |
| 5. Молиялаштириш коэффициенти | $\geq 1,0$ ёки 100 фоиз, ёки ундан юқори |
| 6. Капитални қарзга олиш коэффициенти | $\geq 0,5$ ёки 50 фоиз, ёки ундан юқори |

2.2. Фермер хўжалиги балансининг ликвидлиги таҳлили

Маълумки, баланс активидаги маблағлар нақт пулга айланса, баланс пассивидаги мажбуриятларни қайтариш мумкин. Баланс ликвидлиги — баланснинг актив томонидаги бир даврга бориб нақт пулга айланадиган маблағлар билан шу даврда қайтариладиган мажбуриятларни солиштириш демакдир.

Демак, баланс ликвидлиги корхонанинг бошқа корхона ва ташкилотлар билан иқтисодий алоқалар даражасини кўрсатади. Кўриниб турибдики, баланс ликвидлиги молиявий мустаҳкамлик сингари, корхоналар молиявий ҳолатини ифодаловчи асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Баланс ликвидлиги таҳлилининг бошламасдан олдин қуйидаги саволларга жавоб беришимиз зарур.

1. Баланс ликвидлигини, корхонанинг бутун мажбуриятларини, узоқ ва қисқа муддатга олинган қарзлар бўйича аниқлаш керакми, ёки фақат қисқа муддатга олинган қарзлар бўйича аниқлаш керакми?

2. Баланс ликвидлиги ва корхонанинг қарзларини тўлашга, қодирлиги бир мазмунга эгами, ёки ҳар хил мазмунга эгами?

3. Баланс ликвидлигини ифодаловчи кўрсаткичларни чегаралаш керакми ва бу чегараланган кўрсаткичлар нима билан аниқланади?

Хорижий мамлакатларда баланс ликвидлиги таҳлил этилганда корхонанинг бутун мажбуриятлари ва ҳам узоқ ҳам қисқа муддатга олинган

қарзлар бўйича ҳисоб-китоб олиб борилади. Иқтисодий адабиётимизда, услубий кўрсатмаларда баланс ликвидлигини таҳлил қилишда фақат қисқа муддатга олинган қарзлар эътиборга олинади.

Ташқаридан олинган қарзларнинг ҳаммасини — узоқ ва қисқа муддатга олинган қарзларни қайтариб бериш керак бўлгандан кейин баланс ликвидлиги бизни шароитимизда ҳам таҳлил этилганда қисқа муддатга олинган қарзлар билан чегараланмасдан, узоқ муддатга олинган қарзлар эътиборга олинса корхоналар балансининг ликвидлиги тўлиқроқ баҳоланар еди. Бу ҳолат бизнинг иқтисодий адабиётда ўз ўрнини топган, лекин баланс ликвидлигини умуман корхона миқёсида аниқлаганда эмас, корхона активларини турлари бўйича баланс ликвидлиги таҳлил этилганда амалга оширилади.

Баланс ликвидлиги ва қарзларни қайтариб беришда қодирлиги тўғрисида гап борганда, бир гуруҳ иқтисодчилар уларни бир биридан ажратишади, фарқланади. Масалан, қарзларни қайтариб беришга қодирлиги, умуман корхона мажбуриятларига-узоқ ва қисқа муддатга олинган қарзларга нисбатан, баланс ликвидлиги эса фақат қисқа муддатга олинган қарзларга нисбатан аниқланади.

Бундай чегаралашга асос бор. Чунки узоқ ва қисқа муддатга олинган қарзлар эътиборга олинса, корхонанинг умуман потенциал қарзларни қайтариб беришга қодирлиги кўрсатилади. Баланс ликвидлиги қисқа муддатга олинган қарзлар бўйича аниқланар экан, корхоналар иқтисодий жиҳатдан ночор ҳолатга тушиб қолганда, уларни банкрот деб эълон қилиш пайтида фойдаланилади.

Фикримизча, баланс ликвидлиги ва қарзларни қайтариб беришга қодирлиги бир хил мазмунга эга. Иккала кўрсаткичларда ҳам ташқаридан олинган мажбуриятларни қайтариш тўғрисида гап кетаяпти. Бозор муносабатлари даврида қисқа муддатга олинган қарзлар кенгрок фойдаланилганлиги учун амалиётда баланс ликвидлиги номли кўрсаткичга, яъни қисқа муддатга олинган қарзларга нисбатан аниқланаётган кўрсаткичга

кўпроқ эътибор берилмоқда.

Шундай қилиб, баланс ликвидлиги кенгайтирилган ва қисқа мазмунда аниқланиши лозим. Кенгайтирилган мазмунда олинadиган бўлса, баланс ликвидлиги корхонада ҳам узоқ, ҳам қисқа муддатга олинган бутун қарзларни қайтариб беришга қодирлигини кўрсаца, қисқартирилган мазмунда олинadиган бўлса, баланс ликвидлиги корхонада фақат қисқа муддатга олинган қарзларни қайтариб беришга қодирлигини кўрсатиб бериши керак.

Пировардида, учинчи муаммо — баланс ликвидлигини таҳлил этиш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизими тўғрисида.

Иқтисодий адабиётда баланс ликвидлигини таҳлил қилиш учун тавсия қилинган кўрсаткичлар кенг ва ҳар хил бўлиб, улар бир тизимга солинмаган, туркумлашмаган, тавсифланмаган.

Балансининг ликвидлик хусусияти бозор муносабатларининг асосий талабларидан биридир. Корхона ликвидлик хусусиятига эга бўлса, бу корхона халқ хўжалиги мажмуасида фаолият юритиши мумкин. Агар корхона баланси бу хусусиятга эга бўлмаса, у бошқа корхона ва ташкилотлар билан меъёрий равишда иқтисодий алоқаларни олиб боролмайди ва фаолият юритиши оғирлашиб кетади. Демак, баланс ликвидлиги катта аҳамиятга эга бўлиб, уни таҳлил қилиб туриш объектив заруратга айланади.

Баланс ликвидлиги уч шаклда ифодаланади.

1. Баланс ликвидлик кўрсаткичлари корхонанинг маблағ элементларини нақт пулга айланиш жараёнини кўрсатади.

2. Баланс ликвидлиги корхоналарнинг олинган қарзларини қайтариб беришга қодирлик даражасини кўрсатади.

3. Баланс ликвидлиги корхона активлари, айланма маблағлари билан корхонанинг умумий мажбуриятлари, қисқа муддатга олинган қарзлар ўртасидаги нисбат асосида аниқланади.

Баланс ликвидлигининг керакли даражада бўлиши - бу корхона фаолиятини давом этиши, бошқа корхона ва ташкилотлар - таъминотчи, кредитор, банк органлари ва давлат бюджети билан меъёрий иқтисодий

алоқаларни давом эттириш кафолатидир. Бозор муносабатлари мураккаб бўлиб, бу вазиятда корхона баланси ликвидлик хусусиятига эга ва эга бўлмаслиги мумкин. Балансининг ликвидлиги тасодифан, вақтинча, узок муддатли ва доимий бўлиши мумкин. Лекин амалиёт талаби - корхоналар баланси ликвидликка эга бўлишидир.

Баланс ликвидлигини таҳлил қилиш корхоналар фаолиятида учрайдиган кўп муаммоларни мавжуд эканлигини ва уларни тез фурсатда ечиш зарурлигини кўрсатиб беради. Бундай муаммолар таркибида қуйидагилар бўлиши мумкин:

- корхона маблағларини нотўғри жойланиши ва уни бартараф этиш йўллари топиш;
- корхона активларини реализация қилишни тезлаштириш имкониятларини топиш;
- корхонада ортиқча маблағлар пайдо бўлган замонқ банк ва таъминловчилар билан ҳисоб-китобларни тезлаштириш;
- сотилмаган товарлар ва дебиторлик қарзларининг қолдиғи ошиб борса, уларни камайтириш йўллари топиб, амалга ошириш;
- корхоналарни банкротликка учрашдан сақлаб қолиш.

Корхона баланси ликвидлик даражасининг ўзгариши қуйидаги омиллар таъсири остида бўлиши мумкин:

Биринчидан, корхона айланма маблағларининг кўпайиши ёки камайиши.

Иккинчидан, корхона мажбуриятлари, олинган қарзларнинг камайиши ёки кўпайиши.

Учинчидан, умумий айланма маблағлар таркибида моддий айланма маблағлар билан пул айланма маблағлар ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши.

Тўртинчидан, пул айланма маблағлар таркибида нақд пуллар билан дебиторлик қарзлари ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши.

Корхоналарда фойдаланилаётган айланма маблағларни алоҳида элементларини ҳар хил муддатда нақд пул маблағларига айланиши ва

корхона мажбуриятларини ҳар хил муддат ўтиши билан қайтарилишига кўра корхоналар баланси ликвидлиги икки шаклда аниқланади:

1. Умуман маблағлар ва корхона мажбуриятлари бўйича, уларни асосий кўрсаткичлар дейиш мумкин.

2. Корхона маблағларини алоҳида элементлари ва мажбуриятларни қайтиб бериш муҳлатига қараб, уларни қўшимча кўрсаткичлар деб аташ мумкин.

Иқтисодий адабиётда корхоналар баланслари ликвидлигини таҳлил этиш учун ҳар хил тизимдаги кўрсаткичлар тавсия этилган. А.Д.Шеремет ва Р.С.Сайфулин ўз монографиясининг «Балансинг ликвидлиги таҳлили» бўлимида қўшимча кўрсаткичлардан, «Молиявий коэффициентлар таҳлили» бўлимида асосий кўрсаткичлардан фойдаланганлар.

В.Г.Артёменко ва М.В.Беллендир ҳам баланс ликвидлигини таҳлил қилишда асосий ва қўшимча кўрсаткичлардан фойдаланишган.

И.Т.Абдукаримов баланс ликвидлигини таҳлил этиш учун қуйидаги кўрсаткичларни тавсия етган: қоплаш коэффициенти; тез фурсатда ликвидлик коэффициенти; мутлақ ликвидлик коэффициенти; пок айланма маблағлар; фойдаланиладиган капиталнинг чакқонлик коэффициенти; умумий капиталнинг чакқонлик коэффициенти.

А.Н.Ли ва С.И.Шевченко баланс ликвидлигини таҳлил этиш учун қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланишган: жорий ликвидлик (қоплаш) коэффициенти; мутлақ ликвидлик коэффициенти; ҳаракатчан ликвидлик; ишчи капиталнинг самарадорлиги; қарзларнинг ўсиш омили.

А.Т.Иброҳимов баланс ликвидлигини таҳлил этиш учун қуйидаги кўрсаткичларни тавсия этади: ликвидлик даражаси; қоплашнинг ўтиш коэффициенти; ликвидликнинг умумий коэффициенти; тоза тушум коэффициенти.

Кўриниб турибдики, муаллифлар ҳар хил тизимдаги кўрсаткичлардан фойдаланишган. Бир хил кўрсаткичларга ҳар хил номлар беришган ва тавсиялар таркибида баланс ликвидлигига алоқаси бўлмаган

кўрсаткичлардан фойдаланишган. Масалан, соф тушум коэффиценти, ишчи капиталнинг самарадорлиги, пок айланма маблағлар ва хоказо.

Демак, баланс ликвидлигини таҳлил қилишни бошламасдан олдин ликвидлик кўрсаткичлари тизимини аниқлаб, тамойилларини ёритиб олишимиз лозим. Фикримизча бу тамойиллар қуйидагилардан иборат:

- танлаган кўрсаткичлар баланс ликвидлигига тааллуқли бўлиб, унинг шаклланишларини ифодалаши лозим;

- ликвидлик кўрсаткичлари бевосита ликвидлик даражасини ўлчаши ёки ликвидликка тасир кўрсатувчи омиллар таъсирини аниқлаши керак.

- ликвидлик кўрсаткичлари корхона активларини нақт пулга айланиш жараёнини ифодалаши лозим;

- баланс ликвидлигини аниқлаш учун асосий ва қўшимча кўрсаткичлардан фойдаланиш лозим.

- баланс ликвидлигига таъсир қилувчи омилларни, шарт-шароитларнинг таъсирини ўлчайдиган омилли кўрсаткичларни аниқлаш.

Асосий кўрсаткичлар корхонанинг умуман активлари ва мажбуриятлари ўртасидаги нисбатни, қўшимча кўрсаткичлар корхона активлари ва мажбуриятларининг алоҳида элементлари ўртасидаги нисбатни ифодалаши керак.

Юқорида кўрсатилган тамойилларга асосланиб, баланс ликвидлик кўрсаткичлар тизимини шакллаймиз ва баланс ликвидлигини таҳлил етамиз.

Баланс ликвидлиги кўрсаткичлари қуйидаги гуруҳлардан иборат бўлиши лозим: асосий кўрсаткичлар; қўшимча кўрсаткичлар; омилли кўрсаткичлар.

Асосий кўрсаткичлар сифатида қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланади, таҳлил этилади:

1. Умумий ликвидлик коэффиценти.
2. Жорий ликвидлик коэффиценти.
3. Хусусий ликвидлик коэффиценти.
4. Мутлақ ликвидлик коэффиценти.

Умумий ликвидлик коэффициенти корхонанинг ўзи бутун активларидан фойдаланиб, мажбуриятларини, ташқаридан узоқ ва қисқа муддатга олинган қарзларни қайтариб беришга қодирлигини ифодалайди. Демак, бу коэффициент корхонанинг бутун имкониятларини, салоҳиятини кўрсатади ҳамда бу корхона билан алоқадор бўлган барча корхона, орган ва ташкилотлар учун катта аҳамиятга эга.

$$\text{Umumiy likvidlik koeffisienti} = \frac{\text{Korxona aktivlari}}{\text{Korxona majburiyatlari}}$$

Корхона активлари узоқ муддатли активлардан ва жорий активлардан, корхона мажбуриятлари еса узоқ ва қисқа муддатга олинган қарзлардан иборат.

Демак, умумий ликвидлик коэффициенти корхоналарни бутун олинган қарзларни - ҳам узоқ, ҳам қисқа муддатга олинган қарзларни ўзининг бутун активлари ҳисобидан қайтаришига қодирлигини кўрсатади. Баланс ликвидлигининг бошқа асосий кўрсаткичлари фақат қисқа муддатга олинган қарзлар бўйича аниқланади. Улардан биринчиси жорий ликвидлик коэффициенти. Бу коэффициент адабиётда қоплаш ликвидлик коэффициенти деб ҳам аталади.

Жорий ликвидлик коэффициентининг мазмуни қуйидагилар билан ифодаланади:

- қисқа муддатга олинган қарзлар — банк кредитлари, кредиторлик қарзлар, корхонанинг жорий активлари билан қандай таъминланган?
- корхона жорий мажбуриятларининг ҳар бир сўмига нисбатан корхонанинг қанча жорий активлари тўғри келяпти?
- корхонанинг жорий мажбуриятлари унинг умумий айланма маблағлари билан қандай қопланыпти?
- агар жорий ликвидлик коэффициенти ҳаддан ташқари юқори бўлса, демак, корхонада моддий айланма маблағлар, дебиторлик қарзлари талабдан ташқари кўпайиб кетган. Бу демак, айланма маблағларни айланишини сусайтиради, корхонанинг молиявий ҳолати ёмонлашади;

- агар жорий ликвидлик коэффиценти пасайиб бораверса, таваккалчилик кучайиб, корхонада жорий мажбуриятлардан кутилиш имкониятлари камайиб боради;

- жорий ликвидлик коэффиценти корхонада мавжуд ишлаб чиқариш даврининг узунлиги таъсир кўрсатади.

Жорий ликвидлик коэффиценти ҳам умумий ликвидлик коэффицентига ўхшаб, корхона мажбуриятларидан фойдаланишдаги унинг имкониятлари ва салоҳиятини кўрсатади. Умумий ликвидликда бу салоҳият корхонанинг ҳамма мажбуриятларига нисбатан олинса, жорий ликвидликда фақат қисқа муддатга олинган қарзларга нисбатан олинади.

Нима учун жорий ликвидлик коэффиценти корхона салоҳиятини кўрсатади, дейилганда шуни эътиборга олиш керакки, корхона ўз жорий мажбуриятларидан кутилиш учун моддий айланма маблағларини тайёр маҳсулотга айлантириб, уни сотиши керак, дебиторлик қарзларни олдин ундириш зарур.

Жорий ликвидлик коэффиценти корхона акцияларининг эгалари ва бу корхона билан алоқадаги корхоналар ва ташкилотлар учун катта аҳамиятга эга.

Жорий ликвидлик коэффиценти корхонадаги бутун айланма маблағларни, яъни моддий айланма маблағларни ва пул айланма маблағларни қисқа муддатга олинган қарзларга бўлиш йўли билан аниқланади, яъни

$$\text{Joriy likvidlik koeffisenti} = \frac{\text{Joriy aktivlar}}{\text{Joriy majburiyatlar}}$$

Юқорида айтилганидек, корхоналарнинг ўз мажбуриятларидан кутилиш имкониятларига эга бўлиши учун унинг айланма маблағлари тез фурсатда нақт пулга айланиб туриши керак.

Жорий ликвидлик коэффиценти бутун айланма маблағларига асосланиб аниқланар экан, захира ва харажатларни тайёр маҳсулотга айлантириб, сотиш керак, дебиторлик қарзларни олдин ундириш лозим. Бу коэффицент корхоналарни қисқа муддатга олинган қарзлардан кутилишдаги

салоҳиятини, имкониятларини кўрсатади.

Демак, корхона балансининг амалий ликвидлигини аниқлаш учун бошқа ликвидлик коэффицентларини ҳам аниқлаш лозим.

Хусусий, тезлик ёки ўта ликвидлик коэффицент пул айланма маблағлари билан қисқа муддатга олинган қарзлар ўртасидаги нисбат асосида аниқланади ва қисқа муддатга олинган қарзларни пул айланма маблағлари билан қопланиш даражасини кўрсатади, яъни:

$$\text{Xususiy likvidlik koefitsenti} = \frac{\text{Pul mablag' lari}}{\text{Joriy majburiyatlar}}.$$

Амалиётда хусусий ликвидлик коэффицентнинг юқори бўлиши ҳамма вақт ҳам корхона балансининг юқори ликвидлигини ифодаламайди, чунки бу вазият кўп дебиторлик қарзлар ҳисобидан бўлиши мумкин. Демак, бу коэффицентдан корхона салоҳиятини, қарзларини қайтиб беришдаги имкониятларини кўрсатади. Бу коэффицент шунга қарамасдан банк ва бошқа ташкилотлар учун катта аҳамиятга эга. Корхоналар баланси ликвидлигини таҳлил қилишда энг асосий кўрсаткич сифатида мутлақ ликвидлик коэффиценти аниқланади.

Мутлақ ликвидлик коэффиценти корхонанинг нақд пул маблағлари билан қисқа муддатли корхона мажбуриятларини корхонанинг нақд пул маблағлари билан қопланиш даражасини ифодалайди. Бу кўрсаткич корхона нақд пул маблағларини (кассадаги, ҳисоб-китоб ва валюта счётлардаги) қисқа муддатга олинган қарзларга бўлиш йўли билан аниқланди, яъни,

$$\text{Mutlaq uuv'idlik koefitsenti} = \frac{\text{Naqd pullar}}{\text{Joriy majburiyatlar}}.$$

Шундай қилиб, корхона активлари нақд пулга айланиш нуқтаи назаридан, корхона томонидан ўз мажбуриятларидан қутилиш имкониятларини назарда тутганда баланс ликвидлигини таҳлил этиш учун юқорида кўрсатилган коэффицентлардан фойдаланиш мумкин. Амалиёт шуни тасдиқладики, корхоналар уларнинг даражаси зарурий, тасдиқланган меъёрий даражада бўлиши лозим.

Бу даражалар қабул қилинган меъёрий даражада бўлиши керак:

1. Умумий ликвидлик коэффициенти $\geq 2,0$ ёки 200 фоиз; ундан юқори
2. Жорий ликвидлик коэффициенти $\geq 2,0$ ёки 200 фоиз; ундан юқори
3. Хусусий ликвидлик коэффициенти $\geq 1,0$ ёки 100 фоиз; ундан юқори
4. Мутлақ ликвидлик коэффициенти $\geq 2,0$ ёки 20 фоиз; ундан юқори.

Баланс ликвидлиги мураккаб муаммо бўлиб, унга бир қанча омиллар, шарт-шароитлар таъсир кўрсатади. Шу сабабли баланс ликвидлигини таҳлил қилишда асосий кўрсаткичлар билан бирга қўшимча кўрсаткичлар ҳам фойдаланилади.

Шундай қилиб, корхоналар баланси ликвидлигини таҳлил этиш молиявий таҳлилнинг энг асосий босқичларидан бири бўлиб, корхоналарнинг ҳаёт-момотини, уларни банкрот бўлиш ёки келгусида фаолият кечириш муаммоларини очишга ёрдам беради.

2.3. Айланма маблағларнинг айланиши ва корхоналарнинг молиявий ҳолати

Маълумки, корхоналарнинг фаолият кўрсатиши учун улар керакли миқдорда ишлаб чиқаришнинг асосий ва айланма фондлари, меҳнат ва бошқа ресурслари билан таъминланиши лозим. Ишлаб чиқаришнинг асосий фондлари ўз таркибига бино, иншоот, ускуна, хўжалик жиҳозларини олиб, улар ишлаб чиқаришнинг техникавий базасини ташкил этади ва узоқ вақт, кўплаб ишлаб чиқариш циклларида хизмат қилади. Уларнинг қиймати амортизация ҳисоблаш орқали ишлаб чиқарилган маҳсулотларни таннархига ўтказилади.

Ишлаб чиқариш айланма фондлари ўз таркибига ишлаб чиқариш захираларини, пул маблағларини олиб, улар ишлаб чиқаришнинг бир циклида фойдаланилади ва қиймати ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннархига тўлиқ ўтказилади. Ишлаб чиқаришда ҳам асосий, ҳам айланма маблағларни борлиги, ҳолати, улардан фойдаланиш даражаси корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади.

Масалан, асосий воситалардан самарали фойдаланилса, меҳнат

унумдорлиги ортади, таннарх камаяди, фойда кўпаяди, рентабеллик даражаси кўтарилади. Айланма маблағларидан самарали фойдаланилса, маҳсулот таннархи камаяди, фойда кўпаяди, рентабеллик даражаси кўтарилади.

Лекин корхоналарни молиявий ҳолати таҳлил қилинганда, фақат бир муаммо - айланма маблағлар айланиши билан корхоналарнинг молиявий ҳолати ўртасидаги алоқа таҳлил этилади, чунки айланма маблағлар айланишининг ўзгариши корхоналар молиявий ҳолатига бевосита ва миқдоран таъсир кўрсатади. Ундан ташқари амалиёт шуни кўрсатадики, айланма маблағларнинг айланиши сусайган вазиятда ҳам корхона молиявий ҳолатининг бошқа кўрсаткичлари ижобий бўлиши мумкин ва аксинча, айланма маблағларни айланиши тезлашган бўлса, корхона молиявий ҳолатининг бошқа кўрсаткичлари ёмонлашган бўлиши мумкин.

Демак, айланма маблағларнинг айланиши ўзгаришига қандайдир катта аҳамиятга эга бўлган муҳим шарт-шароитлар, омиллар таъсир кўрсатар экан ва бу вазиятни молиявий таҳлил пайтида кўрамиз.

Айланма маблағларнинг айланиши тезлатилса, унинг бир қисми тежалади, қўшимча фойда барпо бўлади, ундан ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун ва бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин. Аксинча, айланма маблағларнинг айланиши секинлаштирилса, корхонага айланма маблағлар етмай қолади ва корхонада фаолиятни давом еттириш учун ташқи манбалардан (банк кредити ва ҳоказо) фойдаланиб, корхона айланма маблағлари тўлдирилиши керак.

Шу сабабли корхоналар айланма маблағларининг айланишини ўзгариши ва уни корхоналарнинг молиявий ҳолатига таъсири таҳлил этилади. Бу таҳлил икки йўналишда ўтказилади:

1. Умуман айланма маблағлари бўйича.
2. Айланма маблағларнинг алоҳида элементлари бўйича.

Умуман айланма маблағлар бўйича қуйидаги кўрсаткичлар таҳлил этилади:

1. Айланма маблағларни айланиш миқдори.
2. Айланма маблағлар бир марта айланиши учун ўртача сарф қилинган календар кунлар.
3. Айланма маблағларнинг биркитиш кўрсаткичи.
4. Айланма маблағларни тежалган ёки тўлдирилган суммаси. Айланма маблағларнинг ўртача 70 фоизи ишлаб чиқаришда, 30 фоизи ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш жараёнида фойдаланилади. Демак, айланма маблағларни айланишига ишлаб чиқариш циклининг муҳлати ва маҳсулотни сотиш учун сарф қилинган вақт таъсир кўрсатади.

Айланма маблағларнинг айланиш миқдори сотилган маҳсулотлардан олинган тушумни айланма маблағларни ўртача қийматига бўлиш билан аниқланади. Лекин тушумдан қўшилган қийматга солинган солиқ билан тўланган акциз солиғи олиб ташланади, яъни:

Сотилган маҳсулотлардан олинган тушум (қўшилган қийматга
солинган ва аксиз солиқларсиз

Жорий активларнинг ўртача қиймати

Сотилган маҳсулотлардан олинган тушум «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»дан олинади, айланма маблағларни ўртача қиймати бухгалтерия маълумотларига асосланиб ҳисоб-китоб йўли билан аниқланади. Айланма маблағлар тўғрисидаги бухгалтерия маълумотлари икки шаклда бўлиши мумкин: интервалли қаторлар ва моментли (лаҳза) қаторлар.

Интервалли қаторлар - айланма маблағлар тўғрисидаги маълумотлар аниқ даврларда берилади. Масалан, айланма маблағларни ўртача қиймати ойлар бўйича берилади: январ - 500 м.с, феврал - 550 м.с, март - 540 м.с.

Шундай маълумотлар берилган бўлса, айланма маблағларнинг чоракдаги ўртача қиймати оддий ўртача арифметик йўл билан аниқланади, яъни: $(500 + 550 + 540)/3 = 1590/3 = 530$ м.с.

Моментли (лаҳзалик) қаторларда айланма маблағлар тўғрисидаги маълумотлар бу аниқ даврларнинг бошланишига келтирилиши мумкин. Масалан, 1 январга - 500 м.с, 1 февралга - 550 м.с, 1 мартга - 560 м.с. ва 1 апрелга - 580 м.с.

Шундай маълумотлар берилган бўлса, айланма маблағларнинг биринчи чоракдаги ўртача қиймати хронологик йўл билан аниқланади, яъни:

$$\frac{\frac{500}{2} + 550 + 560 + \frac{580}{2}}{4-1} = \frac{1650}{3} = 550 \text{ м.с.}$$

Корхоналар фаолиятида маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни сотишга сарф қилинган вақт ўзгариб туриши билан айланма маблағларни ҳар бир айланишига турлича вақт сарф қилиниши мумкин. Айланма маблағларнинг умуман айланиш йўналишини ифодалаш учун юқорида кўрсатилган иккинчи кўрсаткич аниқланади, яъни айланма маблағларни бир марта айланиши учун сарф қилинган ўртача вақт. Бунинг учун таҳлил қилинаётган календар кунларни сони биринчи кўрсаткичга, яъни айланма маблағларни айланиш миқдорида бўлинади, яъни:

$$\frac{\text{Tahlil qilinayotgan kalendar kunlar soni}}{\text{Joriy aktivlarning aylanish miqdori}}$$

Охирги пайтда айланма маблағларни айланишини таҳлил қилишда янги кўрсаткичдан фойдаланилаёпти. Бу айланма маблағларни биркитиш кўрсаткичи. Айланма маблағларни биркитиш кўрсаткичи юқорида кўрилган биринчи кўрсаткични - айланма маблағлар айланиш миқдорининг акси бўлиб, бу кўрсаткич айланма маблағларни ўртача қийматини сотилган маҳсулотлардан олинган тушумга бўлиш йўли билан аниқланади, яъни:

Айланма маблағларни биркитиш кўрсаткичи сотилган маҳсулотларнинг ҳар бир сўмига нисбатан сарф қилинган айланма маблағларни ифодалайди. Айланма маблағларнинг айланиши тезлаштирилса бу сарф камаёди, айланма маблағларни айланиши сусайтирилса, бу сарф ошиб боради.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар айланма маблағларнинг айланишини ифодалаб, корхоналар молиявий ҳолатига ушбу айланишнинг ўзгариши таъсирини ҳали кўрсатмайди, бу кўрсаткичлар керакли, қўшимча кўрсаткичлар бўлиб, улар ёрдамида энг асосий тўртинчи кўрсаткич аниқланади - яъни айланма маблағларни тежалган ёки тўлдирилган суммаси.

Бу кўрсаткич айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш натижасида айланма маблағларни тежалиш суммасини ёки айланма маблағларни айланишини сусайтириш натижасида айланма маблағларни тўлдириш суммасини ифодалайди. Кўрсаткич корхона бухгалтериясида мавжуд айланма маблағлари тўғрисидаги маълумотларга қараб икки йўл билан аниқланади.

Агар корхонада юқорида кўрсатилган кўрсаткичлардан иккинчиси тўғрисида маълумотлар бўлса, яъни, айланма маблағларни бир марта айланиши учун сарф қилган ўртача календар кунлар кўрсаткичи бўлса қуйидаги йўл билан ҳисобланади:

$$(O'KK_1 - O'KK_0) \cdot \frac{MT}{V}$$

Бу ерда:

$O'KK_1$ ва $O'KK_0$ - жорий ва ўтган даврларда айланма маблағларни бир марта айланиши учун сарф қилинган ўртача календар кунлар;

MT — сотилган маҳсулотлардан олинган тушум.

V — таҳлил қилинаётган вақт – календар кунлар.

Кўриниб турибдики, айланма маблағларни бир марта айланиши учун жорий ва ўтган даврларда сарф қилинган ўртача календар кунлар сонининг ўзгариши бир кунда сотилган маҳсулотлар ҳажмига кўпайтирилади.

Агар корхоналарда юқорида кўрсатилган кўрсаткичлардан учинчиси тўғрисида маълумотлар бўлса, яъни айланма маблағларни биркитиш кўрсаткичлари бўлса қуйидаги йўл билан аниқланса:

$$(BK_1 - BK_0)MT$$

Бу ерда:

BK_1 ва BK_0 — жорий ва ўтган даврларда айланма маблағларни биркитиш кўрсаткичлари, яъни сотилган маҳсулотларнинг бир сўмига нисбатан айланма маблағлар сарфи.

Кўриниб турибдики, айланма маблағларни жорий ва ўтган даврлардаги кўрсаткичларни фарқи сотилган маҳсулотлардан олинган тушумга

кўпайтирилади.

1-жадвал

«ASADBEK IMKON MAK» фермер хўжалигининг айланма маблағларни айланиш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Жорий давр	Ўтган давр
1. Сотилган маҳсулотлардан олинган тушум, минг сўм	76330,5	92796,8
2. Айланма маблағларнинг ўртача қиймати, минг сўм	4207,5	7747,8
3. Айланма маблағларнинг айланиш миқдори (1:2), марта	18,1	12,0
4. Айланма маблағларни бир марта айланишига сарф қилинган календар кунлар (365:3), кун	20,2	30,4
5. Айланма маблағларнинг бирикитиш кўрсаткичлари (2:1), тийин	5,5	8,3

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида айланма маблағларнинг айланиши тезлашган. Айланма маблағларнинг айланиш миқдори 12,0 мартадан 18,1 мартагача ошган, айланма маблағларни бир марта айланиши учун сарф қилинган ўртача календар кунлар 30,4 дан 20,2 кунларга қисқартирилган, айланма маблағларни бириктириш кўрсаткичи 8,3 тийиндан 5,5 тийингача камайитирилган. Демак, корхонада айланма маблағлар тежалган. Айланма маблағларни тежалган суммаси:

$$(30,4 - 20,2) \cdot \frac{76330,5}{365} \text{ ёки } (8,3 - 5,5) \cdot 76330,5$$

Айланма маблағларнинг айланиши ўзгаришини корхона молиявий ҳолатига таъсирини чуқурроқ таҳлил этиш учун айланма маблағларнинг алоҳида элементлари айланишини таҳлил қилиш лозим. Айланма маблағларнинг алоҳида элементлари айланишига корхонанинг алоҳида бўлинмаларининг цехлар, омбор хўжалиги, маркетинг бўлимининг фаолияти таъсир кўрсатади. Демак, айланма маблағларнинг алоҳида элементларини таҳлил қилиш, келгусида айланма маблағларнинг айланишини тезлаштиришга бағишланган тавсияларни аниқлаштиришда корхона

бўлинмаларининг фаолиятини яхшилашда катта аҳамиятга эга.

Айланма маблағларни алоҳида элементлари бўйича уларнинг айланишини таҳлил этиш қуйидаги йўналишларда ўтказилиши мумкин:

- ўзлик айланма маблағларининг айланиши;
- меъёрланган айланма маблағларининг айланиши;
- меъёрланмаган айланма маблағларининг айланиши;
- ишлаб чиқариш захираларининг айланиши;
- тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг айланиши;
- тайёр маҳсулотнинг айланиши;
- жўнатилган товарлар ва ҳисоб-китобдаги маблағларнинг айланиши;
- пул маблағларининг айланиши;
- дебиторлик қарзларни айланиши.

Айланма маблағларнинг алоҳида элементлари айланиб туриши ўз хусусиятларига эга. Масалан, ўзлик меъёрланган, меъёрланмаган айланма маблағларнинг айланиб туриши сотилган маҳсулотларнинг ҳажмига, ишлаб чиқариш захираларининг умумий сарфига таъсир қилади; тугалланмаган ишлаб чиқаришни айланиб туриши тайёр маҳсулотга; тайёр маҳсулотларнинг омбордаги қолдиқлар айланиб туриши маҳсулотларни истеъмолчиларга жўнатиш ҳажмига; истеъмолчиларга жўнатилган товарларнинг айланиб туриши корхона ҳисоб-китоб счётига, пул тушишига ва ҳоказо.

Айланма маблағларнинг алоҳида элементларини айланиб туриш хусусиятлари шуни талаб этадики, уларнинг айланиб туриш кўрсаткичлари ҳар хил базаларга нисбатан ҳисоб-китоб қилиниши лозим. Бу ҳолатни эътиборга олиб, айланма маблағларни айланиб туришининг қўшимча кўрсаткичлари, яъни айланма маблағларнинг алоҳида элементларининг айланиб туриш кўрсаткичлари қуйидагича аниқланади:

1.	Ўз айланма маблағлари	=	$\frac{\text{Ўз айланма маблағларининг ўртача қиймати}}{\text{Сотилган маҳсулотнинг ҳажми}} \times \text{Таҳлил қилинаётган календар кунлар}$
2.	Меъёрланган айланма маблағлар	=	$\frac{\text{Меъёрланган айланма маблағларнинг ўртача қиймати}}{\text{Сотилган маҳсулотнинг ҳажми}} \times \text{Таҳлил қилинаётган календар кунлар}$

		Сотилган маҳсулотнинг ҳажми	
3.	Меъёрланмаган айланма маблағлар	$= \frac{\text{Меъёрланмаган айланма маблағларнинг ўртача қиймати} \times \text{Таҳлил қилинаётган календар кунлар}}{\text{Сотилган маҳсулотнинг ҳажми}}$	
4.	Ишлаб чиқариш захиралари	$= \frac{\text{Ишлаб чиқариш захираларининг ўртача қиймати} \times \text{Таҳлил қилинаётган календар кунлар}}{\text{Ишлаб чиқариш захираларнинг умумий сарфи}}$	
5.	Тугалланмаган ишлаб чиқариш	$= \frac{\text{Тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ўртача қиймати} \times \text{Таҳлил қилинаётган календар кунлар}}{\text{Ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулот}}$	
6.	Тайёр маҳсулот	$= \frac{\text{Тайёр маҳсулот қолдиқларининг ўртача қиймати} \times \text{Таҳлил қилинаётган календар кунлар}}{\text{Жўнатилган товарлар ҳажми}}$	
7.	Жўнатилган товарларнинг ва ҳисоб-китобдаги маблағлар	$= \frac{\text{Жўнатилган товарларнинг ва ҳисоб-китобдаги маблағларнинг ўртача қиймати} \times \text{Таҳлил қилинаётган календар кунлар}}{\text{Ҳисоб-китоб счётига тушган пуллар суммаси}}$	
8.	Нақд пул маблағлари	$= \frac{\text{Нақд пул маблағларининг ўртача қиймати} \times \text{Таҳлил қилинаётган календар кунлар}}{\text{Сотилган маҳсулотларнинг ҳажми}}$	

5-чизма: Айланма маблағларнинг элементларининг айланиб туриш кўрсаткичлари.

Келтирилган кўрсаткичлар, айланма маблағларнинг қайси элементлари бўйича уларнинг айланишини тезлаштириш учун керакли тадбирларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатиб турибди.

Бу кўрсаткичлардан жорий даврни ўтган давр билан таққослаши, яъни динамикада таҳлил этилиши лозим. Бу таҳлил айланма маблағларнинг алоҳида элементлари бўйича ҳам, уларнинг айланиб туриши ўзгариши – тезлаштирилиши, сусайтирилиши натижасида айланма маблағларнинг тежалганлиги ёки айланма маблағларни тўлдирилганлиги ҳам аниқланиши мумкин.

Демак, айланма маблағларнинг алоҳида элементлари бўйича айланиб туриш кўрсаткичларини таҳлил этиш айланма маблағларни айланиши билан корхона молиявий ҳолати ўртасидаги алоқани таҳлил этишни

чуқурлаштиради ва аниқлаштиради.

Айланма маблағлар айланиб туришининг корхона молиявий ҳолатига таъсирини таҳлил қилиш тўғрисида гап борар экан, яна қуйидагиларни эътиборга олишни зарур деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, бозор муносабатларига ўтиш билан корхоналараро иқтисодий алоқалар мураккаблашиб бормоқда. Корхоналар фаолиятида айланма маблағлар етишмай қоляпти. Айланма маблағлардан самарали фойдаланиш катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Шу сабабли 1997 йил 9 июнда Ўзбекистан Республикаси Президентининг «Айланма маблағларни сақланиши ва уларни тўлдириб туриш жавобгарлигини ошириш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Иккинчидан, корхоналарда фойдаланаётган айланма маблағларни устидан назоратни кучайтириш ва мавжуд айланма маблағлардан оқилона фойдаланиш долзарб вазифага айланмоқда. Шу сабабли 1997 йил 25 февралда Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан корхона ва ташкилотлар учун айланма маблағларни меъёрлари тасдиқланди.

Айланма маблағларнинг айланиб туриши таҳлили айланма маблағларнинг айланишини тезлаштирилиши ёки сусайтирилиши сабабли корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ва олинаётган фойданинг ўзгаришини аниқлаш билан якунланиши лозим.

Демак, айланма маблағларнинг айланиш миқдори жорий даврда ўтган даврга нисбатан ўзгаришига қараб, корхона фойдаси кўпаяди ёки камаяди. Айланма маблағлар айланиб туришининг корхона молиявий ҳолатига таъсирини таҳлил этиш айланма маблағларнинг айланишини тезлаштиришга сафарбар этилган таклиф ва тавсиялар билан якунланиши керак.

Айланма маблағларнинг айланиб туриши мураккаб, кўп қиррали жараён бўлиб, унга ташқи ва ички, объектив ва субъектив, ишлаб чиқариш, ташкилий, иқтисодий шарт-шароитлар, омиллар таъсир кўрсатади, лекин умумий омил ва шарт-шароитлар қуйидагилар ҳисобланади:

- корхонанинг аниқ тармоққа алоқадорлиги;
- ишлаб чиқариш сиклнинг муҳлати;
- корхонада ишлаб чиқаришнинг ҳажми;
- истеъмолчиларнинг жойланган жойи;
- таъминловчиларнинг жойлаган жойи;
- қарзларни тўлашга лаёқатлиги;
- банклар билан алоқалар даражаси;
- истеъмол қилинадиган ресурслар;
- таъминловчи ва истеъмолчи корхоналар билан шаклланган алоқалар;
- маркетинг хизмат даражаси;
- корхона менежерлар хизмати;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш даражаси;
- меҳнатни ташкил қилиш даражаси.

Шундай қилиб, айланма маблағларнинг айланиб туришини таҳлил қилиш - молиявий таҳлилнинг асосий босқичларидан бири бўлиб, у ҳамма вақт корхона раҳбариятини, таҳлилчилар, аудиторларнинг эътибор марказида бўлиши лозим.

III-БОБ. Иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида фермер хўжаликларида молиявий натижалар таҳлилини такомиллаштириш масалалари

3.1. Иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида фермер хўжаликларида маҳсулот таннархи таҳлили

Маҳсулот таннархи корхона молия хўжалик фаолиятининг ҳамма томонларини акс эттирувчи кўрсаткичлардир. Шу туфайли ишлаб чиқариш харажатларини тўғри ҳисобга олиб, маҳсулот таннархини калькуляция ва таҳлил қилиш бошқарув ҳисоби ҳамда молиявий ва бошқарув таҳлили фанларининг муҳим вазифаларидан биридир.

Бугунги кунда корхона фаолиятининг муҳим ва унга баҳо берадиган мезон кўрсаткичларидан бири, фойда ва рентабелликдир. Фойдага таъсир этувчи омил бу таннархдир. Маҳсулот таннархи — шу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун кетган барча бевосита ва билвосита харажатларнинг қиймат ифодасидир.


Бугунги кунда амалда бўлган Низом⁶га мувофиқ маҳсулот (иш, хизмат)ни ишлаб чиқариш харажатлари таркибига кирадиган моддалар сирасига ўзгаришлар киритилган (5-чизмага қаранг).

Фермер хўжалигининг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари таннархини таҳлил қилишда таҳлилнинг энг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ишлаб чиқариш харажатларини ўрганиш ва уларнинг ҳолатига баҳо бериш;
- маҳсулот таннархини пасайтириш бўйича белгиланган режасининг бажарилиши ва динамикасини назорат қилиш;
- ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий элементи ва калькуляцион моддалари бўйича ўрганиш ва уларга баҳо бериш;

⁶ ЎзР ВМ 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом. –Т.: 1999й

- меҳнат унумдорлиги билан иш ҳақи харажатлари ўртасидаги нисбатни ўрганиш;
- таннархнинг ўзгариш сабабларини аниқлаш ва унга таъсир этувчи омилларни миқдор жиҳатидан ҳисоблаш;
- айрим турдаги маҳсулот таннархини харажат моддалари бўйича таҳдил этиш;
- таннархни пасайтириш бўйича мавжуд имкониятларни аниқлаш ва ҳоказо.



6-чизма. Маҳсулот таннархига киритиладиган харажатларни таркиблаш

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олишнинг умумийлиги таъминланган. Бунинг якунида маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини режалаштириш, таҳлил этиш ва назорат қилишга имконият туғилади.

Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулотлари таннархини таҳлил қилишда иқтисодий таҳлилнинг асосий ахборот манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: хўжалик субъектларининг бизнес режа маълумотлари; 5—С «Корхона сарф-харажатлари тўғрисида»ги

ҳисоботи маълумотлари; 1—Т «Меҳнат ҳисоботи» маълумотлари; бухгалтерия ҳисобининг ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиб боровчи счёти маълумотлари ва бошқа турдаги қўшимча маълумотлар.

Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига ишлаб чиқаришни ташкил қилиш услуги ва технологияси билан белгиланган маҳсулотни ишлаб чиқариш (иш, хизматлар бажариш) билан бевосита боғлиқ харажатлар киритилади. Буларга: бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, ишлаб чиқариш йўналишидаги устама харажатлар ҳамда бошқа бевосита ва билвосита харажатлар киради.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг барча харажатлари қуйидаги гуруҳларга ажратилади: маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган харажатлар; ишлаб чиқариш таннархига қўшилмайдиган харажатлар, аммо давр харажатларига қўшиладиган харажатлар (асосий фаолиятдан кўрилган фойдани аниқлаш учун).

Корхонанинг умумхўжалик фаолиятидан кўрган фойда ёки зарарини аниқлашда ҳисобга олинadиган молиявий фаолият харажатлари. Фавқулодда фойда (зарар) (солиқ тўлашга қадар аниқланадиган фойдани ҳисоблашда иштирок этадиган). Хўжалик юритувчи субъектларнинг харажатларини юқоридаги таркиб бўйича гуруҳланганда, ҳар бир гуруҳ харажатлари қуйидагича туркумланади:

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган харажатлар қуйидагича туркумланади: бевосита ва билвосита моддий харажатлар; бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари; ишлаб чиқаришдаги маъмурий харажатлар.

2. Давр харажатлари қуйидагича туркумланади: сотиш бўйича харажатлар; бошқарув харажатлари; бошқа муомала харажатлари ва зарарлар.

3. Молиявий фаолият бўйича харажатлар қуйидагича туркумланади: фоизлар бўйича сарфлар; чет эл валютаси курси ўзгаришидан кўрилган зарар; қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашдан кўрилган зарар; молиявий фаолият бўйича бошқа сарф-харажатлар.

4. Фавкулотда зарарлар одатда туркумланмайди.

Харажатларнинг элементи бўйича гуруҳларга ажратишдан мақсад уларнинг структураси ва динамикасини назорат қилишдан иборат. Кўрсаткичларни таққослаш орқали жонли меҳнат билан бошқа харажат турларининг нисбати, ишлаб чиқариш захираларини нормалаштириш ва таҳлил этиш, оборот маблағларининг тезлигини аниқлаш ва миллий даромадни хисоблаш имконияти туғилади.

Харажатларнинг элементлари бўйича таҳлил натижаларига мувофиқ материал сиғими, меҳнат сиғими ва фонд сиғими даражалари бўйича таннархни пасайтириш имкониятларини аниқдаш мумкин.

Таҳлил этишда жами харажатдаги ҳар бир элементнинг тутган салмоғи аниқланиб, ўтган йилдагиси ҳамда сметадаги кўрсаткичлар билан таққосланиб, уларнинг ўзгариш сабаблари аниқланади.

Маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар таркибини иқтисодий элементлари ва моддалари бўйича қуйидаги таркибда бериш мумкин.

Ишлаб чиқариш харажатларини иқтисодий элементлари ва калькуляцион моддалари бўйича ўрганиш қуйидагича фарқланади, яъни, бўлимлар ва корхона бўйича жами харажатлар фақат иқтисодий элементлари бўйича ўрганилади, маҳсулотлар тури ва туркуми бўйича эса ишлаб чиқариш харажатлари калькуляция моддалари асосида кўриб чиқилади. Таҳлил этишда ишлаб чиқариш харажатларининг жами таркиби бўйича ўзгаришлари мутлақ ва нисбий жиҳатдан ўрганилади. Нисбий жиҳатдан ўрганишда ҳар бир туркум харажат моддаси ёки элементининг жами ишлаб чиқариш харажатлари таркибидаги салмоғига баҳо берилади (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал маълумотлари асосида фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш харажатларини таҳлил қилиб чиқишимиз мумкин бўлади. Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, жами харажатда хом ашё, ёқилғи, энергия, ярим фабрикат харажатларининг тутган улуши юқоридир.

**2013 йилда «ASADBEK IMKON MAKS» фермер хўжалигида
харажатларнинг иқтисодий элементлари бўйича таркиби ва
структурасининг таҳлили⁷**

Харажат гуруҳлари	Ўтган йили		Ҳисобот йили	
	Сумма, сўм	Жамига нисбатан салмоғи, %	Сумма, сўм	Жамига нисбатан салмоғи,
1	2	3	4	5
1. Моддий харажатлар	1001408	81,58	1539843	77,93
2. Меҳнат ҳақи харажатлари	121594	9,91	231624	11,72
3. Ижтимоий суғурта ажратмалари	48395	3,94	92359	4,67
4. Амортизация ажратмалари	3859	0,31	7370	0,37
5. Бошқа ишлаб чиқариш харажатлари	52247	4,26	104730	5,30
Жами ишлаб чиқариш харажатлари	1227503	100,0	1975926	100,0

Уларнинг улуши базис давридаги 81,58 фоиздан, ҳисобот даврига келиб 77,93 фоизгача пасайган. Шу давр ичида меҳнат ҳақи харажатларининг улуши эса 9,91 фоиздан ҳисобот даврига келиб 11,72 фоизга ўсган. Моддий харажатлар билан меҳнат ҳақи харажатлари ўртасидаги нисбатнинг бундай тарзда ўзгариши меҳнат унумдорлиги даражасининг ўсганлигидан ҳамда ходимларнинг моддий манфаатдорлиги ошганлигидан далолат беради. Фан-техника тараққиётига таянган ҳолда, ишлаб чиқаришни ташкил этган корхоналарда унумдорлик даражаси ортади, амортизация ажратмалари мутлақ суммада ўтган йилга нисбатан ортса ҳам, уларнинг нисбий кўрсаткичлари яъни маҳсулот нархидаги улуши пасаяди.

⁷ 2013 йилда «ASADBEK IMKON MAKS» фермер хўжалигининг молиявий ҳисобот маълумотларидан олинди

3.2. Фермер хўжалигининг молиявий натижалари таҳлили

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг олдига қўйган асосий мақсади бу фойда олишдир. Фойда ижтимоий ишлаб чиқаришни ҳамма босқичларининг иқтисодий категориясидир. Фойда иқтисодий категория ва молиявий якун сифатида ўзининг энг юқори аҳамиятига бозор муносабатлари, бозор иқтисодиёти даврида кўғарилади. Фойдани барпо этиш, уни реализация қилиш бу кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришнинг, киймат қонунининг ва хўжалик юритиш усули сифатида фойдаланадиган хўжалик ҳисобининг объектив талабидир.

Фойда (даромад) иқтисодий ҳаракатнинг зарурий шарти мақсади сифатида қаралади. Жаҳон амалиётида фойда дейилганда кўпинча бизнес самарадорлигининг тадбир воситаси сифатида қаралади. Фойда бу даромадлар ва харажатлар фарқланишидаги юқори ўзга-рувчанликдир. Улар орасидаги қуйи ўзгарувчанлик эса зарарни ифодалайди,

Даромадлар ва харажатлар молиявий натижаларни характерловчи фойдани ўлчашга дахлдор бўлган элементлар ҳисобланади. Даромадлар ва харажатларни, яъни фойдани аниқлаш ва ўлчаш — корхона ўз молиявий ҳисоботини тайёрлашда фойдаланиладиган капитал концепцияси ҳамда капиталнинг сақланишига боғлиқ бўлади. Даромадлар ва харажатлар элементлари қуйидагича аниқланади.

Даромадлар - бу ҳисобот даврида иқтисодий фойданинг активларнинг оқими ёки кўпайиши шаклида ўсиши ёки пасивларнинг қатнашчиларнинг капитадцаги омонатларидан фарқ этувчи ўсишига олиб келувчи камайишидир.

Харажатлар - ҳисобот даврида иқтисодий фойданинг активларнинг чиқиб кетиши ёки улардан фойдаланиш шаклида камайиши, шунингдек, қатнашчилар ўртасида капиталнинг камайишига олиб келувчи мажбуриятларнинг юзага келишидир.

Даромад ва харажатларни аниқлаш уларнинг асосий хусусиятларини белгилайди, аммо уларни молиявий натижалар ҳисоботида акс эттиришда талаб қилинадиган мезонларни аниқлашни мақсад қилиб қўймайди.

Молиявий натижалар таҳлилида даромад ва харажатларнинг ўзаро фарқланишидаги ҳолатга баҳо берилади. Молиявий натижалар фойда ва зарарларнинг шаклланиш қаторлари бўйича ўзгаришлари ўрганилади. Фойда ва зарарларнинг омилли таҳлили олиб борилади. Корхонада молиявий натижавийликни яхшилаш юзасидан ички имко-ниятларнинг мавжудлиги ва уларни йўлга қўйишнинг чора-тадбирлари белгиланади. Корхонанинг фойдалилик даражасини характерловчи рентабеллик кўрсаткичи ва унинг омилли таҳлили ўтказилади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги умумлашган маълумотлар молиявий ҳисоботлар шаклида ифодаланади⁸. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот чораклик ҳисобот шаклига кириб, барча фермер хўжаликлари томонидан тузилади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот шаклининг асосий кўрсаткичларига қуйидагилар киритилади: маҳсулот сотишдан олинган ялпи (соф) тушум; маҳсулот сотишдан ялпи фойда; асосий фаолиятдан фойда (зарар); молиявий фаолиятдан фойда (зарар); умумхўжалик фаолиятидан фойда (зарар); фавқулодда фойда (зарар); солиқ тўловига қадар фойда (зарар); соф фойда (зарар). Ушбу кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилиш юзасидан албатта корхонанинг қуйидаги харажат қаторларини ҳам таркиблаш ва фарқлаш лозим: сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари; давр харажатлар; молиявий фаолиятдан харажатлар; фавқулодда харажатлар.

Даромад ва харажатларни бу таркиб туркумланиши қуйидагиларга имкон беради: ишлаб чиқариш харажатларини бошқа харажатлардан фарқлаш ва корхона ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигига баҳо бериш; молиявий бошқарув юзасидан операцион харажатларни бошқа

⁸ Ўз Республикаси МВ «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ва уни тўлдириш тартиби» тўғрисидаги 140- сонли Йўриқнома. –Т.: 27.12. 2002й

харажатлардан фарқлаш; корхона томонидан олинадиган даромадларни уларнинг юзага келиши ёки шаклланиши бўйича алоҳида таркиблаш (асосий фаолиятдан, молиявий фаолиятдан ҳамда кутилмаган ҳолатлардан).

Молиявий натижалар тўғрисидаги янги ҳисобот шакли уларнинг ҳар бир шаклланиш катори бўйича тўлиқ ахборотларни олиш имконини беради. Бу ахборотлар ички ва ташқи ахборот фойдаланувчиларининг манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармайди. Агар шундай бўлганда эди, молиявий ҳисоботни тузиш қоидаси бузилган бўлар эди. Негаки, молиявий ҳисоботдаги маълумотларда ҳеч қачон бир туркум ахборот фойдаланувчилар фойдасига, бошқа туркум зарари ҳисобига акс эттиришлар бўлмаслиги талаб этилади. Ушбу қоида Ўзбекистон Республикаси қонунида⁹ ҳам бериб ўтилади, яъни молиявий ҳисоботларни тузишдаги бетарафлик қоидаси.

Шундай қилиб, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот йил бўйича ҳар бир чоракка жамланган ҳисобда тузилади. Уни топшириш органларига солиқ идоралари, банк ташкилотлари, юқори ташкилотлар киритилади. Ўлчов қиймати минг сўм ҳисобида олинади. Шунингдек, ушбу ҳисобот шаклига маълумотнома шаклида бюджетга тўловлари ҳисоби ҳам киритилган. Унда корхона томонидан республика ва маҳаллий бюджетга тўлайдиган солиқдар тўлови бўйича ҳисобга олинган ва тўлангани тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Бугунги эркин иқтисодий муносабатлар шароитида республикада амалдаги ҳуқуқий меъёрларга мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларининг амалдаги Низом¹⁰га асосан белгиланади. Бунга мувофиқ молиявий натижаларнинг шаклланиш қаторларига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқдир: маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи молиявий натижа; асосий фаолиятнинг ялпи молиявий натижаси;

⁹ Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» Қонуни 6-моддаси. –Т.: 1996й

¹⁰ ЎЗР ВМ 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низоми. –Т.: 1999

молиявий фаолиятдан кўрилган натижа; умумхўжалик фаолиятидан олинган ялпи молиявий натижа; фавқулодда кутилмаган ҳолатлардан натижа; солиқ тўлангунгача бўлган ялпи молиявий натижа; йилнинг соф фойдаси (зарари).

Молиявий натижаларнинг бу таркиб туркумланишини халқаро ҳисоб андозаларига нисбатан берилган дейиш мумкин. Бунда асосий фаолият молиявий натижалар қаторига корхонанинг маҳсулот сотишдан оладиган натижаси, асосий воситаларни сотишдан оладиган натижаси ва бошқа активларни сотишдан оладиган молиявий натижаси акс этади. Давр харажатлари улардан чегирилувчи қатор сифатида олинади.

Молиявий фаолиятдан олинган даромад ва харажатлар қаторига корхонанинг молия бозоридаги фаоллигидан оладиган даромадлари ва мулкӣ муносабатлардаги иштирокидан олинadиган даромадлари, эркин алмаштириладиган валюта ресурсларини бошқаришдан оладиган даромадлари, корхонанинг молиявий фаолиятидан келиб чиқадиган турли харажатлар киритилади. Уларнинг корхона ҳисоб фойдасидаги салмоғи сўнгги йилларда тобора ошиб бормоқда.

Фавқулодда кутилмаган ҳолатлардан даромадлар ва харажатлар қаторига корхонанинг асосий ва молиявий фаолиятидан ташқари, тасодифий ҳолатлар бўйича оладиган даромад ва харажатлари киритилади. Уларнинг таркибига киритиладиган аниқ кўрсаткичлар янги Низомда ифода этилмаган. Фақат уларнинг фарқданишига таъриф берилган ҳолос. Бу тариф эса юқорида баён этилган эди. Яъни, кор-хона учун яқин уч йиллик ораликда одатий ҳол ёки фаолият тури ҳисобланмаган ҳолатлардан оладиган даромадлари ёки йўқотишлар ушбу қаторга киритилади, шунингдек, тасодифий ҳолатлари ҳам. Молиявий натижаларнинг шаклланиш бўйича таҳлилни қуйидаги жадвал маълумотлари асосида бериш мумкин (3-жадвалга қаранг).

**2013 йилда «ASADBEK IMKON MAKS» фермер хўжалигида
молиявий натижаларнинг таркиби, тузилиши ва динамик
ўзгаришларининг таҳлили¹¹**

Кўрсаткичлар	Йил бошига		Йил охирига		Ўзгариши	
	Сумма, сўм	Солиқ тўлангун гача бўлган foyдага нисбатан салмоғи, %	Сумма, сўм	Солиқ тўлангунг ача бўлган foyдага нисбатан салмоғи, %	Сумма даги	Салмо ғидаги
1	2	3	4	5	6	7
1. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи фойда	522905	189,69	872059	192,45	+349154	+2,76
2. Давр харажатлари ва асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва харажатлар	-281602	102,16	-470990	103,96	+ 189388	+ 1,8
3. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг ялпи молиявий натижаси	241303	87,53	401069	88,53	+ 159766	+ 1,0
4. Умумхўжалик фаолиятининг ялпи молиявий натижаси	275657	100,0	453044	100,0	+177387	
5. Фавқулоддаги фойда ва зарарлар						
6. Даромад солиғи тўлагунга қадар фойда (зарар)	275657	100,0	453044	100,0	+177387	
7. Даромад (foyда)дан солиқ ва бошқа солиқлар	245414	89,03	427644	94,39	+182230	+5,36
8. Ҳисобот даврдаги соф фойда ёки зарар	30243	10,97	25400	5,61	-4843	-5,36

¹¹ 2013 йилда «ASADBEK IMKON MAKS» фермер хўжалигининг молиявий ҳисобот маълумотларидан олинди

3-жадвал маълумотларидан кўринадик, биз таҳлил қилаётган фермер хўжалигида жорий йилда ўтган йилга нисбатан 4843 минг сўмга соф фойдаси камайган. Соф фойданинг камайишига асосан, давр харажатларининг ўтган йилга нисбатан 189388 минг сўмга ортиши ҳамда тўланган солиқларнинг, яъни даромад солиғи ва бошқа солиқ ҳамда ажратмаларнинг ўтган йилга нисбатан 182230 минг сўмга кўп тўланганлиги таъсир этган. Ушбу омиллар корхонанинг маҳсулот сотишдан олган ялпи фойдасининг 349154 минг сўмга ортганини ҳам қоплаб юборди.

Демак, корхона маъмурияти биринчи навбатда давр харажатларини қисқартириш чораларини кўриши лозим бўлади. Бундан ташқари тўланган солиқларнинг кескин ортишига қандай омиллар сабаб бўлганлигини ҳам ўрганиб чиқиш лозим бўлади.

3.3. Фермер хўжалигининг якуний фаолият турлари бўйича таҳлили

Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва харажатлар таҳлилида асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан ташқари фаолиятлардан олинган даромад ва йўқотишлари таҳлил этилади. Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнлардан олинган даромад ва харажатлар кўпинча операцион даромадлар ва харажатлар деб ҳам айтилади. Операцион харажатлар ва даромадлар қаторига бошқа сотишлардан олинган даромадлар ёки улар бўйича йўқотишлар киради.

Фермер хўжалигининг бошқа операцион харажатларига қуйидагилар киради: кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари, лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларида чалаликни бартараф этиш харажатлари, маслаҳат ва ахборот тизимларига ҳақ тўлаш, аудиторлик хизматлари учун тўловлар, саломатликни муҳофаза қилиш ва ходимларни ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашуви билан боғлиқ бўлмаган дам олишларни ташкил этиш тадбирлари харажатлари, шаҳар ободончилик ишлари ва қишлоқ хўжалигига

ёрдам бериш билан боғлиқ харажатлар, компенсация ва рағбатлантириш тусидаги тўловлар, иш ҳақини ҳисоблашда эътиборга олинмайдиган тўловлар ва харажатлар, яъни моддий ёрдам, соғлиқни сақлаш объектлари, қариялар ва ногиронлар уйлари, болалар мактабгача тарбия муассасалари, соғломлаштириш лагерлари, маданият ва спорт объектларини асраш харажатлари, вақтинча тўхтатиб қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини сақлаш харажатлари, банк хизмати учун тўловлар, ҳар хил хайрия жамғармалари, экология, соғломлаштириш, маданият, халқ таълими, ижтимоий таъминот ва шу каби ташкилотларга бадаллар, бюджетга мажбурий тўловлар, солиқлар ва йиғимлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар, зарарлар, жарималар, пенялар ва бошқа харажатлардан иборатдир.

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган бошқа даромадларга қуйидагилар киради: ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф қилинган жарималар ва пенялар; ҳисобог йилида аниқданган ўтган йилга тегишли фойда; ёрдамчи хизмат кўрсатувчи тармоқдардан олинган тушумлар; асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа мол-мулкларни сотишдан олинган даромадлар; даъво билдириш муддати ўтган кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар; товар-моддий бойликларнинг қайта баҳоланишидан кўрилган натижалар; давлат субсидияларидан даромадлар; холисона молиявий ёрдам; бошқа операцион даромадлар.

Операцион жараёнлардан олинган даромадлар қаторига корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишдан ташқари фаолиятидан олинадиган даромадлар киритилади. Улар бўйича харажатлар ва даромадлар қатори алоҳида таркибланган ҳолда умумий суммада молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга туширилади. Операцион даромадлар ва харажатлар ўзининг соф қиймати бўйича ҳам молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга туширилиши белгиланган. Бунда операцион жараёнлардан олинган даромадлар улар бўйича харажатлар

қийматига фарқданган ҳолда ҳисоботга фойда ёки зарар қаторига туширилади. Бошқа сотишлар бўйича Республика Солиқ кодексига мувофиқ алоҳида солиқлар тўлови қўлланилади¹². Шунингдек, маҳсулотларни сотишга солиқлар, даромад ёки тушумларнинг бу қатори бўйича ҳам амал этади. Бошқа сотишлардан соф тушум суммаси ҳам маҳсулотларни сотишдан соф тушумни аниқлашдаги каби услубий боғланишга эга.

Операцион жараёнлардан даромадлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин. Фермер хўжалигида ортиқча саналган ёки фойдаланишсиз турган асосий воситаларни сотишдан олинган натижа, уларни ҳисобдан чиқаришдан олинган натижа, номоддий активларни ҳисобдан чиқариш ва сотишдан олинган натижа, капитал қўйилмалар бўйича натижа, узоқ муддатли ишлатишга олинган, лизинг қўлловидан даромадлар, қимматли қоғозларни сотишдан олинган даромадлар, кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмларни сотишдан олинган даромадлар, материал ва хомашёларни сотишдан олинган даромадлар, валюта маблағларини сотишдан олинган даромадлар, улар бўйича сарфлар ва йўқотишларни ўз ичига олади (4-жадвалга қаранг)

4-жадвал маълумотларидан кўринадикки, биз таҳлил қилаётган «ASADBEK IMKON MAKS» фермер хўжалигида жорий йилда жами 106824 сўмлик операцион фаолиятдан фойда кўрилган бўлса, 189652 сўмлик зарар кўрилган. Ўтган йилга нисбатан корхонанинг операцион фаолиятидан кўрган фойдаси 8187 сўмга, зарари эса 11398 сўмга ўсган. маълумотлардан кўринадикки, операцион фаолиятдан кўрилган фойданинг асосини асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва сотиш, хорижий валюталарни сотиш, материалларни сотишдан бўлган фойда ташкил этган. Операцион фаолиятдан кўрилган зарарларнинг асосий қисмини эса асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва сотиш ҳисобига, товар моддий қийматликларини сотиш ҳисобига бўлган. Шунингдек, қимматли қоғозлар сотишдан олинган зарар суммаси эса ҳисобот йилида бир қадар камайишига эришилган.

¹² Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. –Т.: 2003й

**«ASADBEK IMKON MAKS» фермер хўжалигининг операцион
фаолиятидаги даромадлар ва харажатлар таҳлили¹³ (сўмда)**

Кўрсаткичлар	Ўтган йили		Ҳисобот йили		Фарқи (+,-)	
	фойда	зарар	фойда	зарар	фойда	зарар
1	2	3	4	5	6	7
1. Асосий воситаларни сотишдан олинган натижа	54793	96387	51389	89328	-3404	-7059
2. Товар моддий қийматликни сотишдан олинган натижа		35697		52131		+16434
3. Валюта маблағларини сотишдан олинган натижа	36982	—	50836	—	+ 13854	—
4. Мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан олинган натижа			3645		+3645	
5. Бошқа материалларни сотишдан олинган натижа	6862	42397	954	39821	+5908	-2576
6. Қимматли қоғозларни сотишдан олинган натижа	—	3773				-3773
7. Номоддий активларни сотишдан олинган натижа	—	—	—	8372	—	+8372
Жами	98637	178254	106824	189652	+8187	+11398

Молиявий фаолиятдан олинган натижа фермер хўжалиги фаолият натижавийлигининг алоҳида ҳисоб қатори сифатида таркибланади ва таҳлил этилади. Молиявий фаолиятдан олинган фойда ва зарарлар фермер хўжалигининг фонд бозори, молия бозоридаги фаолиятидан келадиган натижаларни ўз ичига олади. Молиявий фаолиятдан олинадиган даромадлар қатори амалдаги Низом¹⁴га мувофиқ таркибланади. Молиявий фаолиятдан олинган даромадларнинг корхоналарнинг жами ҳисоб фойдаси таркибидаги салмоғи сўнгги йилларда бирқадар ўсиб бормоқда. Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин. Масалан, бошқа фермер хўжаликлари фаолиятида ҳиссали қатнашишдан олинган даромадлар, валюта маблағларининг курс ўзгаришидан олинган даромадлар,

¹³ Фермер хўжалигининг 2013 йилдаги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларидан фойдаланилди

¹⁴ ЎЗР МВ 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом. –Т.: 1999й

бошқа корхоналарга, шўъба ва уюшма корхоналарга берилган қарзлар бўйича олинган даромадлар, фоизлар бўйича олинган ва тўланган даромадлар, акциялар бўйича олинган дивидендлар суммаси ва ҳ.к.

Таҳлилда уларнинг режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгаришларига мутлоқ ва нисбий ўзгаришларига баҳо берилади ҳамда унинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар ўрганилади. Таъсир этувчи омиллар ҳар бир таркиб қатор бўйича алоҳида ва умумий асосда ўрганилади. Таҳлил учун зарур бўлган маълумотлар молиявий натижалар тўғрисидаги молиявий ҳисоботдан ва унинг қаторлари бўйича берилган изохлардан олинади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда молиявий фаолиятдан олинган даромадларнинг қуйидаги қаторлари таркибланган: бошқа олинган дивидендлар; шўъба ва уюшма корхоналарга берилган ва олинган қарзлар бўйича фоизлар; бошқа олинган ва берилган қарзлар бўйича фоизлар; валюта курсининг ўзгаришидан фарқлар; молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ва йўқотишлар.

Фавқулоддаги фойда ва зарарлар молиявий натижавийликининг учинчи таркиб қатори ҳисобланади. Унинг қаторига бевосита тасодиқий ҳолатлардан кўриладиган натижалар киритилади. Масалан, сув тошқини ёки ер қимирлаши, ёнғин бўронлар оқибатида ёки бошқа табиат ҳодисалари асосида рўй берадиган йўқотишлар киритилади. Фавқулодда фойда ёки даромадлар қаторига киритиладиган ёки зарарлар қаторига киритиладиган алоҳида моддалар амалдаги Низомда аниқ кўрсатилмаган. Уларнинг фақат битта шарт умумий Низомда белгиланган, яъни яқин уч йиллик оралиқда корхона учун одатий ҳол ҳисобланмаган ҳолатлардан олинадиган даромадлар ёки фойда суммаси корхона учун қўйилмаган ҳолатлардан олинган даромадлар сирасига киритилади.

Қўйилмаган ёки фавқулодда ҳолатлардан олинган даромадлар ёки улар бўйича йўқотишлар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг алоҳида таркиб қатори сифатида белгиланган.

Уларни фермер хўжалигида режалаштириш амалга оширилмайди. Яъни, фавқулодда даромад ва харажатлар режалаштирилмайдиган қаторга киритилади. Уларнинг ҳозирги пайтда корхоналар фаолият натижавийлигидаги салмоғи сезиларли таъсирга эга эмас.

Корхона ҳисоб фойдаси ва унинг таркибига киритиладиган қаторлар тўғрисида юқорида кенгроқ тўхталган эдик. Яъни, корхона ҳисоб фойдаси асосий ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятдан олинadиган натижа, фавқулодда фаолиятдан ёки ҳолатлардан натижаси жамланган ҳолда жорий давр бўйича корхонанинг ҳисоб фойдаси аниқланади. Фермер хўжалиги ҳисоб фойдаси давлатнинг ва ахборот фойдаланувчиларнинг эътибор шартидаги асосий қатор ҳисобланади. Даромад ва харажатлар уларнинг юзага чиқиш вақти ва ўрни бўйича юритилган ҳолда якуний натижа ушбу қоида асосида тузилади.

Фермер хўжалиги ҳисоб фойдаси ёки солиқ тўловига қадар бўлган фойда (зарар) суммасидан фойда даромаддан солиқлар ва бошқа фойдадан солиқлар, тўловлар ва ажратмаларни чегириш асосида корхонанинг жорий давр бўйича соф фойда (зарар) суммаси аниқланади. Республикамиз солиқ қонунчилигига мувофиқ барча хўжалик ҳисобидаги корхоналар даромад солиғи тўловчилар ҳисобланади ва уларнинг айрим гуруҳи бўйича доимий ва вақтинчалик имтиёзлар белгиланган.

Бошқа солиқли тўловлар қаторига республика ва маҳаллий бюджетга тушадиган айрим тур солиқлар киритилади. Уларнинг тури ва ундириш тартиби Давлат Солиқ қўмитаси томонидан белгиланади. Ягона солиқ тўловига ўтган корхоналарда ушбу солиқ тури олинган даромаддан қатъий ставкаларда ҳисобланади ва тўланади.

Бозор муносабатлари шароитида ҳар бир хўжалик субъекти ўз фаолияти натижасида соф фойдага эришишни кўзлайди. Шу сабабли ҳам соф фойда миқдорини ўрганиш ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш корхона самарадорлигини оширишга олиб келади. Корхона ихтиёрида қоладиган ва унинг эркин тасарруфидаги фойда - соф фойда дейилади. Ушбу

кўрсаткич солиқ тўловига қадар бўлган фойда суммасидан фойда (даромад)дан солиқ ва бошқа солиқлар ва ажратмалар суммасини чегириш асосида аниқланади. Соф фойда таҳлилида унинг ўтган йилларга, шунингдек, корхона бизнес режаси кўрсаткичларига нисбатан ўзгаришлари ўрганилади. Молиявий натижавийликнинг ушбу якуний қатори барча ички ва ташқи ахборотдан фойдаланувчилар эътиборидаги масала ҳисобланади.

Ташқи ахборотдан фойдаланувчилар корхонанинг фойдалилик даражасига, ўз активларини мақсадли бошқаришнинг шартларини белгилашга ҳам жиддий аҳамият беришади. Масалан, корхона мулкида ҳиссали қатнашувчилар акция эгалари келишувига ёки хусусий капиталдаги улушига қараб тақсимланадиган ҳисоб фойдасининг ҳолатига корхона ихтиёрида қоладиган соф фойда билан қизиқсалар, инвестиция ҳомийлари эса корхона фаолиятининг барқарорлиги ва ўсиш даражаларига кўпроқ қизиқади.

Бугунги кунда корхона соф фойдасининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: маҳсулот, иш ва хизматларни сотиш ҳажмининг ўзгариши; маҳсулот, иш ва хизматлар баҳосининг ўзгариши; маҳсулот, иш ва хизматлар ишлаб чиқариш харажатларининг ўзгариши; давр харажатларининг ўзгариши; молиявий фаолиятдан олинадиган фойда ва зарарларнинг ўзгариши; фавқулодда фойда ва зарарлар ўзгариши; фойдадан олинадиган солиқлар ва солиқли тўловларнинг ўзгариши ва ҳақозолар.

Таҳлил этишда ҳар бир омилнинг соф фойда ўзгаришидаги мутлоқ қийматлари аниқланади. Уларнинг ўзгаришларига баҳо бериш орқали корхонада фойдани ўстириш юзасидан ички имкониятларнинг мавжудлиги ўрганилади (5-жадвалга қаранг)

5-жадвал маълумотларидан шуни хулоса қилиш мумкинки, таҳлил қилинаётган фермер хўжалигида ҳисобот даврида соф фойда ҳажми ўтган йилга нисбатан 4843 сўмга камайган.

**2013 йилда «ASADBEK IMKON MAKS» фермер хўжалигида соф
фойда ва унинг узгаришига таъсир этувчи омиллар таҳлили¹⁵ (сўмда)**

Курсаткичлар	Ўтган йили	Ҳисобот йили	Фарқи (+,-)
1	2	3	4
1. Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда	522905	872059	+349154
2. Давр харажатлари	-201985	-388162	+ 186177
3. Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва йўқотишлар	-79617	-82828	+3211
4. Молиявий фаолиятдан фойда ва зарарлар	34354	51975	+ 17621
5. Фавқулоддаги фойда ва зарарлар			
6. Фойдадан солиқ ва бошқа солиқ ҳамда ажратмалар	245414	427644	+ 182230
7. Жорий йилнинг соф фойдаси	30243	25400	-4843

Унинг ўзгаришига ҳар битта кўрсаткичнинг таъсирини фарқ қаторига қараб баҳолаш мумкин. Соф фойданинг камайишига асосан давр харажатларининг кескин ошиб кетганлиги ҳамда фойдадан тўланган солиқ суммасининг ўтган йилга нисбатан деярли икки марта кўпайганлиги сабаб бўлган. Масалан, маҳсулотларни сотишдан олинган ялпи фойда суммасининг ўтган йилга нисбатан 349154 сўмга ўсиши соф фойда суммасининг шунча ўзгаришига олиб келган. Давр харажатлари, асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан олинган зарарлар суммасининг, фавқулодда зарарлар суммасининг, фойдадан солиқлар суммасининг ўтган йилларга нисбатан ўсиши натижасида корхона соф фойдаси ўтган йилга нисбатан 371618 сўмга камайган.

Барча омиллар таъсирида соф фойда суммаси ўтган йилга нисбатан 4843 сўмга камайган. Демак, фермер хўжалигида фойдани ўстириш юзасидан 371618 сўмлик ички резерв мавжуд дейиш мумкин. Агар фермер хўжалиги ушбу қаторлар бўйича ўзининг олдинги йил кўрсаткичларини сақлаганда эди яна қўшимча тарзда шунча фойда олиши мумкин эди.

¹⁵ «ASADBEK IMKON MAKS» фермер хўжалигининг 2013 йилдаги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларидан фойдаланилди

Хулосалар

Мазкур ишда фермер хўжаликлар фаолияти аниқ бир «ASADBEK IMKON MAKS» фермер хўжалиги мисолида тадқиқ этилиб, уларда молиявий натижаларнинг шаклланиши, бухгалтерия ҳисоби ва таҳлили мукаммал ўрганилди. Битирув малакавий иш объекти назарий ва амалий жиҳатдан чуқур таҳлил этилди ҳамда мавжуд муаммоларни ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Бозор муносабатларига ўтиш даврида, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг вазифалари, режали иқтисодиёт давридагига кўра тубдан ўзгарди. Бухгалтерия ҳисоби фермер хўжаликларнинг хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тўпловчи, умумлаштирувчи ва қайта ишловчи асосий бўғинлардан бирига айланади. Ушбу маълумотлар, молиявий ҳисоботларда акс эттирилиб, фермер хўжаликларда аудит ўтказишда асос бўлиб хизмат қилади. Демак шундай экан, янги шароитда молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар гуруҳини аниқ белгилаб олиш ва уларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда молиявий ҳисоботлар тузилиши ва мазмунини қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келади. Яна шуни таъкидлаш керакки, молиявий ҳисоботлардаги маълумотлар, аудит учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу ўз навбатида, молиявий ҳисоботларнинг таҳлилбоп бўлишини талаб этади;

2. Фермер хўжаликлари фаолиятини таҳлил қилишда иқтисодий таҳлилда қўлланиладиган усуллар ўрганилди ва уларнинг афзалликлари аниқланди ҳамда қулай ва самарали усул “Анъанавий усул”лардан кенг фойдаланиш таклиф этилди. Чунки, ҳисоб-китоб ишларининг содда ва кўпчилликка тушунарлилиги фойдаланувчиларга қулайлик туғдиради деб ўйлаймиз;

3. «ASADBEK IMKON MAKS» фермер хўжалигининг молиявий натижалари ҳисобини такомиллаштиришда, унга таъсир этувчи даромад ва харажатлар ўрганиб чиқилди. Молиявий натижаларга, келгуси давр

харажатлари ва тўловларининг ҳисоби ҳам сезиларли таъсир кўрсатилиши ўрганилди;

4. «ASADBEK IMKON MAKS» фермер хўжалигининг фаолиятини, жумладан, молиявий натижаларини чуқурроқ таҳлил қилиш имконини берди. Изланишда молиявий натижаларнинг омилли таҳлили ўтказилиб, бу соҳадаги баъзи тушунмовчиликлар ёритиб берилди. Бу ўз навбатида, фермер хўжаликларда омилли таҳлилдан фойдаланишлари ҳамда бундан келиб чиққан ҳолда унинг фаолиятини чуқурроқ таҳлил қилишларига асос яратади.

5. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи таҳлил қилинди ва тадқиқот объекти ҳисобланган «ASADBEK IMKON MAKS» фермер хўжалигида маҳсулот таннархини аниқлашда амалдаги Низом талабларига риоя этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди. Чунки маҳсулот таннархини шакллантиришда ва таннархни ҳисоблашда айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди ва уларни бартараф этиш бўйича фикрлар берилди.

6. «ASADBEK IMKON MAKS» фермер хўжалигининг фаолиятини таҳлил қилишда уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, молиявий ҳолати ўрганилди, шунингдек, молиявий барқарорлик кўрсаткичлари ҳисобланди. Бунда тадқиқот объекти сифатида олинган «ASADBEK IMKON MAKS» фермер хўжалигининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари қониқарли деб топилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Тошкент, Ўзбекистон. 2001.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни. –Т.: 1996.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар йили” Давлат Дастури тўғрисидаги ПК 805 – сонли ҚАРОРИ . //Халқ сўзи, 2008 йил 29 февраль.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони – Т.: 2005.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Экспорт қилувчи корхоналарни молиявий ва кредит йўли билан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 290-сонли қарори. –Т.: 31.12.2008й
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш масалаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида” 288-сонли қарори. –Т.: 31.12.2008й.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ички валюта бозорида алмашув курсларини бирхиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 422-сонли қарори. –Т.: 2001й
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (иш ва хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисида»ги Низом. 54-қарори. –Т.: 1999й.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

9. И.Каримов. Бош мақсадимиз - мавжуд қийинчиликларга карамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодий-иқтисодий таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. - Т.: “Ўзбекистон”. 2016й. - 26 бет.

10. И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. -Т.: “Ўзбекистон”. 2009й. -56 бет.

11. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш - давр талаби. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи рўномаси 2009 йил 14 февраль, № 33-34 (4696-4697)

12. И.Каримов. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир.//Халқ сўзи, 2008 йил 9 февраль, 28-сон.

13. И.Каримов. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. -Т.: “Халқ сўзи” газетаси. (3828)-сон. – Т.: 2006.

V. Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий- меъёрий ҳужжатлар

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида» низом. ЎЗ АВ томонидан 1192-сон билан рўйхатга олинган –Т.: 2002 й.

15. Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, Тўплам. Т.: ЎЗР БАМА нашриёт маркази. 2002.

VI. Дарсликлар

16. Воҳидов С. ва бошқалар. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. /Ўқув қўлланма. -Т.: “Адиб нашриёти”, 2011. -496 б.

17. Кондраков Н.П. Бухгалтерский (финансовый, управленческий) учет: учеб. – М.: Проспект, 2009. – 448 с.

18. Кутер М.И. Теория бухгалтерского учета: Учебник.- 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2008.- 592 с.

19. Соколова,Е.С. Бухгалтерское дело: учебник. - М.: Высшее образование, 2008.- 328 с

20. Жўраев Н., Бобожонов О., Абдувахидов Ф., Сотволдиева Д. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Дарслик. -Т.: 2007 й

21. Жўраев Н., Холбеков Р., Абдувахидов Ф., Илхомов И. Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит. Дарслик. -Т.: 2007 й

22. Бухгалтерский финансовый учет: Учебник для вузов / Под ред. проф Ю.А. Бабаева. – М.: Вузовский учебник, 2006. – 525 с.

23. Сотиволдиев А. С. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т. БАМА, 2005 й

24. Каримов А.А. Бухгалтерия ҳисоби. /Дарслик -Т.: Шарқ,2004.-592 б.

25. Ўразов К., Воҳидов С. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. /Дарслик. -Т.: ТДИУ нашриёти, 2011. -237 б.

VII. Ўқув қўлланмалар

26. Бакиева Х., Ризаев Н. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-молия, 2008. –324 б.

27. Дўсмуратов Р.Д. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Янгийўл Полиграф Сервис, 2007. –352 б.

28. Останақулов М. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. Дарслик. –Т.: “Иқтисод-молия”, 2007.

29. Ғуломова Ф. Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганувчилар учун қўлланма. –Т.: “Норма” нашриёти, 2012. –496 б.

30. Учет, анализ и аудит внешнеэкономической деятельности: Учеб. пособ. /Под ред. проф. В.И. Бариленко. – М.: ИНФРА-М, 2009. – 458 с.

31. Зонова А.В. и др. Бухгалтерский учет и анализ: учеб. пособ. под ред. А.В. Зоновой. – М.: Эксмо, 2009. – 512 с.
32. Петрова В.И. и др. Бухгалтерский учет, анализ и аудит деятельности страховых организаций. – М.: ФиС, 2008. – 400 с
33. Ионова А.Ф., Тарасова Н.А. Учет и анализ внешнеэкономической деятельности : учеб.- практ. пособ.- М.: ТК Велби, 2009.- 352 с.
34. Учет, анализ и аудит внешнеэкономической деятельности: Учеб. пособие / Под ред. проф. В.И. Бариленко. - М.: ИНФРА-М, 2009.- 458 с.
35. Зонова А.В. и др. Бухгалтерский учет и анализ: учеб. пособ. под ред. А.В. Зоновой. – М.: Эксмо, 2009. – 512 с.
36. Каморджанова Н.А., Карташова И.В. Бухгалтерский финансовый учет. 4-е изд., доп. – СПб.: Питер, 2009. – 288 с.
37. Захарин В.Р. Учет основных средств и нематериальных активов: справочник бухгалтера: практ. руководство.- М.: Эксмо, 2008.- 320 с.
38. Константинова Е.П. Международные стандарты финансовой отчетности: Учеб. пособ. – М.: «Дашков и К », 2008. – 288 с.
39. Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби. /Дарслик –Т.: Иқтисод-молия, 2005. -307 б.
40. Багатко А.Н. Основы экономического анализа хозяйствующего субъекта.-М.: «Финансы и статистика». 2001, стр-104
41. Бердикова Т.Б. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятия. –М.: 2001,стр-211
42. Титов В.И. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятия: учебник.-М.: Дашков и К, 2005, стр-352
43. Савичев И.И. Экономический анализ-орудие выявления внутри-хозяйственных резервов–М.: «Финансы» 1999, стр-53
44. Гадоев Э. ва бошқ. Йиллик ҳисобот-2008. -Т.: 2009.- 597б.
45. Гадаев Э. и другие. Годовой отчет-2009. НОРМА, 2010.- 368 с

46. Каримов А., Исломов Ф., Авлокулов А. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик.-Т.: Шарқ, 2004. –592 б.

47. Ибрагимов А., Очилов И., Қўзиев И., Ризаев Н. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Т.: Иқтисод-молия нашриёти, 2008.-444 б

48. Каримов А.А. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. /Дарслик -Т.: Шарқ, 2004.-592 б.

49. Санаев Н. С. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари.-Тошкент: «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси», 2006.-145б.

50. Дўстмуродов Р., Машарипов О. Фермер хўжалигида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш. Ўқув қўлланма-Тошкент, 2007.- 94 б.

51. Завалишина И.А. Янгича бухгалтерия ҳисоби. -Т. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2004.

52. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари 1998-2013 йиллар.

VIII. Илмий монографиялар, мақолалар

53. Бекмурадов А. ва бошқалар. Молия ва банк тизимидаги ислохатлар самараси. –Т.: ТДИУ. 2005. 62 бет

54. Ўразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари/ К.Б. Уразов. - Т.: Фан нашриёти, 2005. - 236 б.

IX. Докторлик ва номзодлик диссертациялари

55. Маматов З.Т. Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларни аудит қилишнинг назарий ва услубий асослари. –Т.: ЎзР Банк-молия академияси. Док. дисс. 2005. -310 бет

X. Илмий-амалий анжуманлар маърузалари тўпламлари

56. Двадцать второе Плехановское чтение. 10 апреля 2009 года. Москва.

57. Миллий иқтисодиёт тармоқларини ислох қилиш ва барқарор ривожланишининг муаммолари, 10 ноябрь 2005 йил.ТДИУ.

XI. Газета ва журналлар

58. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнал. –Т.: 2007-2009 йиллар

59. «Бозор, пул ва кредит» журнал. –Т.: 2007-2009 йиллар

60. «Солик ва божхона хабарлари» газета. –Т.: 2007-2009 йиллар

XII. Статистика тўплamlари маълумотлари

61. Ўзбекистоннинг 2007йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичлари. –Т.: Ўзбекистон, 2008.

XIII. Интернет сайтлари.

Intermediate Accounting (15th Edition) English, 557 pages, Kieso, Weygandt and Warfield, 2013

www.tfi.uz

www.ziyonet.uz

www.norma.uz

www.lex.uz

www.gov.uz;

www.mf.uz.

www.gaap.ru;

www.bilim.uz.